БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 217 (19.593). • 1986 йил 25 сентябрь пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

Бугунги сонда:

◆ Ун иккинчи беш йиллик план ва социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришга бутун куч ва имкониятни қаратайлик!
● 1-бет

◆ Қайта қуришни ҳар ким ўзидан бошласин — партиянинг бугунги талаби шу.
● 2-бет

◆ Тинчлик — жаҳон халқларининг муштарак орзуси.
● 3-бет

◆ Қишга тайёргарлик — муҳим, долзарб вазифа.
● 4-бет

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА — БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1986 йил август ойида ем-хашак тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **Сирдарё областига** берилди.

Қуйидаги коллективлар 1986 йил август ойида ем-хашак етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилган республика социалистик мусобақасининг ғолиблари деб топилдилар:

Балиқчи райони,
Киров райони,
Коммунистик райони,
Хоразм область Урганч районидаги Чапаев номли колхози,
Бухоро область Қоракўл районидаги «Октябрь» колхози,
Қорақалпоғистон АССР Ленинобод районидаги «Олтинкўл» совхози,
Қашқадарё область Муборак районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «СССР Кўмир саноати министрлиги «Юзкузбассуголь» бирлашмасининг «Распадская» шахтасидан В. М. Гвоздев бошлиқ тозалаш забойи кон ишчилари бригадаси, «Воркутауголь» бирлашмасининг «Воргашорская» шахтасидан А. П. Потапов бошлиқ 7-участкаси ҳамда СССР Нефть саноати министрлиги «Сургутнефтегаз» бирлашмасининг Сургутдаги 2-пармалаш ишлари бошқармасидан мастер В. Л. Сидорейко бошлиқ пармаловчилар бригадаси коллективларининг катта меҳнат муваффақиятлари ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан юксак социалистик мажбуриятлари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда мамнуният билан қайд этиладики, В. М. Гвоздев, А. П. Потапов ва В. Л. Сидорейко бошчилик қилаётган коллективлар КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига «Совет халқининг илҳомбахш ижодий меҳнати — ўн иккинчи беш йилликка» деган Мурожаатига амалий ишлар билан жавоб қайтариб, катта зафарга эришдилар.

Шахтерларнинг коллективлари саккиз ойдан камроқ вақт ичида бир миллион тоннадан кўмир қазиб чиқардилар ва меҳнат унумдорлигини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қариб бир ярим баравар оширдилар. Пармаловчилар бригадаси йиллик планни 28 июлда бажарди, 78 минг метрдан кўпроқ нефть қудуғи қазилди.

Ватанимизнинг қудратли кончилик техникасидан фойдаланишга янгича ижодий ёндашишганлиги, инженерлик жиҳатидан аниқ-пухта таъминланганлиги, пировард натижаларни таъминлаш учун коллектив ҳар бир аъзоси маҳорати, жипслиги ва юксак масъулияти туфайли шунга эришилди.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формалари (хўжалик ҳисоби, ягона наряд асосида ишлаш, ишчи ва инженер-техник ходимларнинг ишига меҳнатда иштирок этиш коэффициентини қўлланган ҳолда пировард натижаларга қараб ҳақ тўлаш)ни кенг қўлланиш, партия ташкилотларининг амалий, таъсирчан, ташкилотчилик, оммавий-тарбиявий ишлари мазкур коллективларга хос хусусиятдир.

Бу илғор коллективлар эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмай, янги юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилганликлари жуда қимматлидир. В. М. Гвоздев бригадаси ва А. П. Потапов участкасининг шахтерлари Улуғ Октябрь социалистик революцияси 70 йиллигигача кўмир қазиб чиқариш икки йиллик планнини бажариш ҳамда меҳнат унумдорлигини бир ярим баравар ошириш, 1990 йилга бориб эса ўн биринчи беш йилликдаги ўртача даражага нисбатан икки баравар ошириш мажбуриятини қабул қилдилар. Мастер В. Л. Сидорейко бригадаси шу шонли санагача 1990 йилга планлаштирилган унумдорликни ошириш ҳамда қудуқлар қазиш юзасидан беш йилликнинг 2,5 йиллик программасини адо этиш мажбуриятини олди.

КПСС Марказий Комитети В. М. Гвоздев, А. П. Потапов ва В. Л. Сидорейко бошлиқ коллективларнинг беш йиллик икки йили плани муддатидан илгари бажариш ва меҳнат унумдорлигини анча ўстириш борасидаги ташаббусини маъқуллаб, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, тармоқ касаба союзларининг Марказий Комитетлари зиммасига меҳнат коллективларида мазкур ташаббусни кенг муҳокама қилиш ва қўллаб-қувватлаш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига оширилган мажбуриятлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишни ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун оммавий ҳаракатни авж олдириб юбориш, мусобақадошларга зарур шароитларни яратиш, уларга меҳнатнинг юксак даражада ташкил этилишини ва инженерлик жиҳатидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш, бу ишда ҳар бир раҳбар ва инженер-техник ходимнинг актив қатнашишига эришиш мажбуриятини юклайди.

СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига, марказий, тармоқ ва маҳаллий газеталарнинг редакцияларига В. М. Гвоздев, А. П. Потапов, В. Л. Сидорейко бошчилигидаги коллективларнинг, шунингдек меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришаётган халқ хўжалиги бошқа тармоқларидаги илғор коллективларнинг тажрибасини ҳар томонлама пропаганда қилиш тавсия этилди. Кўрсатувлар, эшиттиришлар ва мақолаларда энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш йўллари ёрқин ҳамда тушунарли қилиб кўрсатиб берилсин, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларнинг юксак маънавий фазилатлари, профессионал маҳорати очиб берилсин.

ТЕРИМ СУРЪАТИНИ ОШИРАЙЛИК!

ҲОСИЛ-86

ҚАРДОШЛАР ТАШАККУРИ

Қувасойдаги «Мўян» боғдорчилик совхозига Москва шаҳрининг Калинин райони меҳнаткашларидан телеграмма келди. Телеграммада район аҳолиси учун юборилган ўнлаб тонна ширин-шакар узум учун миннатдорчилик изҳор этилган.

Ҳа, хўжалик ноз-неъмат бунёдкорлари ўзлари етиштираётган турли хил мева ҳамда узумлари билан мамлакатимиздаги кўплаб саноат районлари меҳнаткашларини мамнун этмоқдалар. Улар бу йил Бутуниттифоқ фондига 3 минг тонна мева, 1300 тонна узум жўнатдилар.

Совхоз давлатга ҳозирга қадар 3160 ўрнига 3,5 минг тонна мева, 1270 ўрнига 1500 тонна узум топширди. «Мўян»ликлар давлатга пландан ташқари яна минг тонна мева топширишга аҳд қилганлар.

О. ҲАКИМОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг 24 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида Ангрен шаҳар партия комитети бюроси, секретарлари ва аппарати ишидаги расмиятчилик ҳамда масъулиятсизлик фактлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Кейинги вақтларда шаҳар партия комитети бюроси, секретарлари ва аппарати фаолиятидаги жиддий камчиликлар тўғрисида, социал-иқтисодий ривожланишга раҳбарлик қилиш, партиявий иш услуби ва методларини қайта қуришнинг принципиал масалаларини ҳал этишда йўл қўйилган расмиятчилик ва масъулиятсизлик фактлари ҳақида Ангрен шаҳридан олинган кўпдан-кўп хатлар мазкур партия комитетида вужудга келган носоғлом вазиятни умуман тўғри акс эттирди.

Шаҳар партия комитети бюроси, унинг секретарлари фаолиятида камчиликларга қарши курашда аниқ йўналиш йўқ, бюронинг битта мажлисида коммунистларнинг бир хил ножўя ишлари учун кўпинча турлича жазолар берилмоқда, шаҳар комитетининг раҳбарлари дидига ёқадиган шахслар ҳимоя қилинмоқда, либерализмга ва сиёсий калтабинликка йўл қўйилмоқда. Шаҳар партия комитети секретарлари орасида нотўғри ўзаро муносабат вужудга келган, шаҳар партия ташкилоти турмушидаги энг муҳим масалаларни ҳал этишда коллегиаллик принциплари бузилди, кўпгина кадрлар зимдан алмаштирилмоқда, раҳбарларни танлашда шошма-шошарлик ва пала-партишлик фактлари мавжуд.

Шаҳар партия комитетининг кўпгина ходимлари шаҳардаги маънавий-психологик вазиятни соғломлаштириш учун курашда актив партиявий позицияни эгалламадилар, ўзларини самимий тутмаяптилар, камчиликлар ҳақида рўй-рост гапирмаяптилар. Улар партия ва давлат қурилиш масалаларини, ўзлари назорат қиладиган соҳалардаги ишларнинг аҳволини яхши билмайдилар. Ёш ходимлар билан аниқ мақсадни кўзлаб партиявий ўқиш ва касбкор таълими ўтказилмаяпти. Бутун мамлакатда ичкиликбозлик ва алкоголизмга нисбатан муросасизлик руҳи қарор топтирилаётган бир пайтда шаҳар комитетининг аппаратида байрамлар олдидан ходимларга сотиш учун спиртли ичимликларга буюртмалар бериш ҳеч ароқсиз практика давом этиб келмоқда.

Ташкилий бўлимнинг собиқ мудири Т. К. Раҳматуллаев спиртли ичимликларни суиистеъмол қилар эди. Аммо унинг ҳатти-ҳаракатларига муносиб баҳо берилмади, уни Янгиобод шаҳар партия комитети иккинчи секретари лавозимига кўтариш пайтида аппарат ходимлари унинг ҳақида ижобий фикр билдирдилар.

Шаҳар партия комитетида қурилиш ташкилотлари ҳисобига бир неча йиллар мобайнида «Волга» автомашинаси сақлаб келинди. Машинистка ҳам қонунга хилоф равишда ишлади. Аппарат масъул ходимларининг кўпгина уй-жойманиий масалалари белгиланган тартибга ҳилоф равишда ҳал этилди.

Меҳнаткашларнинг хатлари ва аризалари билан ишлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Фактларни, аниқланган айрим камчиликларни таҳлил этишда уларни келтириб чиқарган сабаблар ва вазиятлар чуқур ўрганилмаяпти ҳамда уларга баҳо берилмаяпти, вазиятни тўғри соғломлаштириш чоралари кўрилмаяпти. У ёки бу салбий ҳодисаларни айрим кишиларга тўнкаш билан кифояланиб қолишга уриниб кўрилмоқда, бунда нотўғри фикрга, яхши суриштирмай, асоссиз айблашга йўл қўйилмоқда. Шаҳар партия комитети собиқ секретари З. А. Ермолинанинг шахсий ишини кўриб чиқишда партиявий принципиаллик ва одоб талабларидан чекинишга йўл қўйилди.

Шаҳар партия комитети биринчи секретари В. В. Березовскийнинг шахсан масъулиятсизлиги оқибатида шаҳар партия комитетининг фаолияти услуби ва методларидаги камчиликларга йўл қўйилди, у ишда принципсизлик қилмоқда, юқори партия органларининг қарорларини менсимаяпти, аппаратнинг иш савиясини, шаҳар бошланғич партия ташкилотлари ролини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилмаяпти.

Шаҳар партия комитети бюросининг сиёсий йўли дудмаллиги, ножўя ишлар учун барча коммунистларга баб-баравар масъулият чоралари кўрилмаётгани, секретарлар, аппарат ўртасидаги носоғлом муносабатлар шаҳар партия ташкилоти активлари ишини издан чиқараётганлиги, КПСС XXVII съезди белгилаб берган социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга салбий таъсир қилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Шаҳар хўжалиги ишида ҳали ҳам катта камчиликлар бор. Кадрларнинг хўжалик соҳасидаги фикрлаш даражасида, шаҳар партия комитети томонидан экономикага партиявий раҳбарлик услуби ва методларида ўзгариш рўй бермади. Ҳали ҳам ривожланишнинг экстенсив йўлидан боришга интилаётган саноат корхоналарини реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришда жиддий қолоқликка йўл қўйилди. Шартнома юзасидан маҳсулот етказиб бериш мажбуриятлари бажарилмаяпти, маҳсулот сифатини ошириш пайтида лозим даражада иш олиб борилмаяпти. Прогуллар, хўжасизлик, кадрларнинг қўнимсизлиги, меҳнат интизомини бузиш, социалистик мулкни ўғирлаш билан боғлиқ бўлган ноқонуний ишлар ҳали ҳам кўп.

Партия ташкилотлари меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашни тубдан яхшилаш, меҳнатсиз даромадларга, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш, халқ хўжалигида ишламаётган кишиларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш чораларини кўрмаяптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси қарорига мувофиқ шаҳар партия комитетига раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликлар, кўпдан-кўп расмиятчилик ва масъулиятсизлик фактлари, аппаратда партия ва ҳукуматнинг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш тўғрисидаги қарорларини менсилмаганлиги, интизомсизлиги ва ўзига нисбатан талабчан эмаслиги учун Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Березовскийга КПСС аъзоси учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди. У эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

Янгиобод шаҳар партия комитети иккинчи секретари Т. К. Раҳматуллаев Ангрен шаҳар партия комитетининг ташкилий бўлими мудири бўлиб ишлаган пайтда спиртли ичимликларни суиистеъмол қилганлиги ва носамимийлик қилганлиги учун Тошкент область партия комитети бюроси уни эгаллаб турган лавозимидан бўшатганлиги, унинг партиявий масъулияти тўғрисидаги масала эса бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилиши маълумот учун қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Тошкент область партия комитети эътиборини Ангрен шаҳар партия ташкилотидаги ишлар аҳволини ўрганишга расмий муносабатда бўлинганлигига қаратди ва мавжуд камчиликларни тугатишда, аппарат партия ташкилотидаги маънавий-психологик вазиятни соғломлаштиришда шаҳар партия комитетига ёрдам бериш учун дарҳол зарур чора-тадбирларни кўришни топширди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси мажлисида партия, совет органлари ва жамоат ташкилотларининг ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишини такомиллаштиришнинг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ТАСС).

80 ПРОЦЕНТИ МАШИНАЛАРДА

СУРХОНДАРЁ. Жарқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» совхози пахтазорларида еттита йиғим-терим-транспорт отряди ишламоқда. Бу йил ҳосилнинг 80 процентини машиналарда терилади.

Суратларда: бу йилги «оқ олтин» мавсумида 100 тоннадан пахта теришга сўз берган механик-ҳайдовчилар — Ҳ. Тўраев, К. Бердиев, А. Азимов ва Э. Тожиев ҳамда совхоз далаларида машина терими пайти.

И. Хўжаев фотолари (ЎзТАГ).

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республика областларида ғўза дефолиациясининг борыши тўғрисида шу йил 24 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	—	100,0
СИРДАРЁ	—	100,0
БУХОРО	1,4	100,0
Сурхондарё	6,2	96,7
Жиззах	1,8	94,4
ҚҚАССР	8,1	93,5
Қашқадарё	9,9	89,0
Хоразм	8,1	80,9
Фарғона	6,4	69,4
Самарқанд	13,3	69,1
Наманган	6,5	65,1
Андижон	5,1	42,8
Навоий	5,0	33,1
Республика бўйича:	5,1	82,3

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 24 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	2,44	25,11	1,61	5,40
Бухоро	1,65	22,59	0,26	0,73
Хоразм	2,14	14,34	1,03	2,56
ҚҚАССР	1,94	13,39	1,61	4,88
Сурхондарё	1,17	12,05	0,79	2,18
Қашқадарё	0,91	9,41	0,60	1,91
Наманган	1,46	9,34	0,51	1,08
Навоий	0,92	8,45	0,04	0,09
Андижон	0,96	8,20	0,26	0,68
Самарқанд	1,04	7,33	0,05	0,06
Тошкент	0,93	5,80	0,63	1,43
Жиззах	0,85	3,30	0,84	2,12
Сирдарё	0,33	1,51	0,16	0,31
Республика бўйича:	1,31	11,29	0,65	1,82
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Наманган	2,40	24,30	—	—
Сурхондарё	1,59	18,66	1,01	2,05
Бухоро	2,05	16,52	—	—
Навоий	1,52	15,03	—	—
Қашқадарё	0,45	4,02	0,14	0,21
Республика бўйича:	1,28	14,07	0,66	1,33

МАДАГАСКАР ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Малагасия революцияси Авангардий партиясининг Бош секретари, Мадагаскар Демократик Республикаси президенти Д. Рацирака рафиқаси билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан 24 сентябрь куни Москвага келди.

Аэродромда Д. Рацирака ва унинг рафиқасини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. А. Громико рафиқаси билан, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Б. И. БУГРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Борис Иванович Бугров Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси **О. САЛИМОВ.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари номидан — Президиум аъзоси **Ш. МИРСАИДОВ.**

Тошкент шаҳри,
1986 йил, 24 сентябрь.

матбуот маркази хабар қилади

ФАРҒОНА

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

◆ КИРОВ районидаги «Партия XX съезди» совхозининг Солижон Аҳмедов бошлиқ бригадаси пахтакорлари йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Давлатга топширилган 284 тонна пахтанинг 155 тоннаси «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олинди. Илғор механизаторлардан Шуҳрат Исмоилов, Аҳмаджон Раҳмонов, Расулжон Жўраевлар хирмонга муносиб ҳисса қўшдилар. Улар айни кунларда ўз агрегатлари бункеридан 8—10 тоннадан пахта тўкишмоқда.

Чевар теримчилардан Лобар Деҳқонова, Азиза Рўзиева, София Шодиеваларнинг ҳар бири ҳозиргача 6—7 тоннадан «оқ олтин» теришди.

◆ Ўзбекистон районидаги «Қолгандарё» совхозининг «Меҳнатобод» бўлими пахтакорлари 71 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 23,1 центнер ўрнига 24 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга муяссар бўлишди. Давлатга топширилган пахтанинг 80 процентини агрегатлар бункеридан тўкилди. Бўлим миришкорлари ҳар гектар ердан яна 6 центнердан пахта териб олиш мажбуриятини олдилар.

БУХОРО

НАВБАТ — МАЖБУРИЯТГА

◆ Вобкент районидаги 2-қўриқ совхозининг Ўктам Иўлдошев бошлиқ бригадаси аъзолари областда биринчи бўлиб йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Қабул пунктларига етказиб берилган 63 тонна «оқ олтин»нинг ҳаммасини Шамсиддин Саидов ва Субҳон Мавлоновлар ўз агрегатлари бункеридан тўкишди.

Бригада заршунослари икки план миқдорида пахта тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

◆ Ғиждувон районидаги 11-совхозининг Садриддин Тожиев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси коллективи йиллик планни бажарди. Ёш пахтакорлар 47 гектар қўриқ ердан 110 тонна юқори сорт «оқ олтин» териб топширишга муваффақ бўлишди. Бригада аъзоларининг аҳди яна 40 тонна пахта тайёрлашдан иборат.

НАМАНГАН

МУСОБАҚАДОШЛАР РАПОРТИ

◆ Чортоқ районидаги «Чортоқ» совхозида Абдуғани Маллабоев ва Ҳамиджон Мирзаабдуллаевлар бошлиқ бригадалар шарафига меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилди. Икки мусобақадош коллектив бир пайтда йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар.

◆ «Коммунизм» колхозининг Деҳқонбой Мамадалиев бошлиқ онлавий звеноси аъзолари Поп районида биринчи бўлиб йиллик планларини адо этдилар. Улар мавжуд ерларнинг ҳар гектаридан 25 центнердан дурдона териб олишга эришдилар.

САМАРҚАНД

МАРРА — 50 ЦЕНТНЕР

◆ Пайариқ районида икки онлавий звено пахта тайёрлаш плани бажарилганлигини маълум қилди. «Партия XXII съезди» совхозининг Узоқбой Бозоров бошлиқ коллективи 9,5 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олди.

«Коммунизм» колхозининг Музаффар Аббосов бошлиқ онлавий звено аъзолари эса ҳар гектар ер ҳосилдорлигини 28 центнерга етказдилар.

Иккала звено пахтакорлари ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун йиғим-теримни қизғин давом эттиришяпти.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДАН

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Андижон область Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхози правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусамад Тиллабоев узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 23 сентябрь куни 76 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади.

ИШЧИ МИНБАРИ

КАФОЛАТ

Биз, ҳайдовчилар нимагаки эришсак, шуларнинг ҳаммаси машинамиз орқали. Агар машина носос бўлса, йўлда тихирлик қилса ишимиз юришмайди. Юкимиз йўлда қолади. Ўзимиз ҳуноб бўламиз. Оқибатда мўлжалимиз рўёбга чиқмайди, план барбод берилади.

Шунинг учун ҳам биз, ҳайдовчилар машинамизга катта умид боғлаймиз. Унинг ҳар жиҳатдан тўкис бўлиши чораларини кўрамиз. Ўн беш йилдан буён машина бошқараман. Мен машинанинг техникавий жиҳатдан талабларини ўрнига қўйишга ҳаракат қиламан. Машина ҳам менинг айтганимни қилади.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасини чуқур ўрганиб чиқдим. Мурожаатномада машиналарни иш билан тўла таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мен ва ҳамкасбларим ана шу талаб асосида иш тутиб, ўн иккинчи беш йиллик учун қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларимизни қадамба-қадам зиёда адо этиб келмоқдамиз. Бунда бизга машиналаримизнинг шайлиги ва техникавий жиҳатдан мукаммалиги катта ёрдам бермоқда.

Биз Қарши даштини ўзлаштиришдан иборат катта ишда фаол қатнашишга даъват қилинганмиз. Шунинг учун машиналарнинг имкониятларидан яна ҳам мукаммалроқ фойдаланиш чораларини кўраётирмиз. Машинага прицеплар тиркаб, автопоездлар бошқариш тажрибасини ўзлаштириб олдим. Шу тариқа юкларни узоқ манзилларга ўз вақтида етказиб боришнинг уддасидан чиқмоқдаман. Бу эса ўз навбатида чўлдаги объектлар тез тикланишига имкон яратмоқда.

Автопоезд билан ҳар куни 135 — 140 тонна қурилиш материалларини ташиб бераётирман. Бу — кунлик норма икки баравар ортиғи билан бажарилянти демак. Шу тажрибани бойита бориб, беш йиллик мобайнида 60,5 минг тонна ўрнига 121 минг тонна халқ хўжалиги юклари ташиб бериш мажбуриятини олдим. Мурожаатнома талабларини обдон ўрганиб олганимдан кейин шу қарорга келдим.

Ҳамкасбларимдан кўпчилиги жадаллаштириш талаблари асосида ишлашга азму қарор бердилар. Фаттоҳ Аҳмедов, Александр Беседин, Шамси Нусуров сингари тажрибали ҳайдовчилар замон талабларига хос суръат билан ишлаб, ҳар сменада планга қўшимча қурилиш материаллари ташишга эришяптилар. Улар машиналар қувватидан тўла фойдаланиш орқали кўп юк ташишга, ёнилғи ва бошқа ресурсларни тежаб қолишга муваффақ бўлаётирлар.

Куни кеча ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Биз ҳайдаётган «КамАЗ»лар 250—300 километр йўлни ремонтсиз босиб ўтмоқда. Бу эса машиналар шайлигидан, уларнинг қарови ниҳоятда ўрнига қўйилаётганлигидан нишона. Капитал ремонтсиз йўл босиш нуқул фойда келтиради. Нега деганда — бўлар-бўлмасга машина тўхтайвермайди, ҳайдовчининг вақти тежалади, машинанинг фойдали иш коэффициенти ортиб боради. Шунинг ҳаммаси фойда.

Корхонамиз коллективи ўн иккинчи беш йилликда 1 миллион 755 минг тонна қурилиш материалларини даштдаги объектларга етказиб бериш мажбуриятини олган. Биз, ҳайдовчилар ана шу маррани барвақт эгаллаш учун куч ва билимимизни, маҳоратимиз ва бутун қалб қўримизни бахш этамиз. Машинамиз олға қараб боргани кайфиятимизни кўтаради, социалистик мажбуриятларимизнинг шараф билан бажарилишига кафолат беради.

Абдужалил ҚОДИРОВ,
«Каршистрой» бошқармаси 1-автотранспорт корхонасининг ҳайдовчиси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИДА

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ЗЎР ЭЪТИБОР БЕРИЛСИН

Ўзбекистон ССР Олий Совети хотин-қизлар меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон АССР халқ депутатлари маҳаллий Советларининг оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш ҳамда мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашни яхшилаш соҳасидаги иши муҳокама қилинди.

Депутатлардан Т. Ф. Қодирова, О. Еқубов, Т. Н. Кочкова, Ю. Эргашев, С. В. Рибакова, М. Т. Умарова нутқларида қайд этиб ўтилганидек, аксарият республика маҳаллий Советлари, соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунни бажаришга қаратилган муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Шу билан бирга бу муҳим ишда бир қанча жиддий нуқсонлар мавжуд.

Депутатлар амалга оширилаётган профилактика ва даволаш ишларининг даражаси етарлича юқори эмаслигини кўрсатувчи конкрет мисолларни айтиб ўтдилар. Шу сабабдан бир қанча районларда болаларнинг касалликка чалиниш ҳоллари секинлик билан камаймоқда. Аёлларга туғишдан олдин ёрдам бериш, хотин-қизларнинг соғлигини яхшилаш, патронаж ҳамшираларнинг ишларини ташкил этиш жиддий равишда яхшиланиши зарур. Даволаш муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, медицина кадрларининг малакасини ошириш, санитария-гигиена талабларига риоя этиш учун қурашни кучайтириш билан боғлиқ масалалар комплекси кўриб чиқилди.

Мажлисда айтиб ўтилганидек, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, соғлиқни сақлаш органлари ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам берувчи мавжуд муассасалар ҳамда болалар даволаш муассасалари қурилишини жадаллаштириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болалар учун сутли таомлар тайёрлайдиган ошхоналарнинг қувватини ошириш тўғрисида кўпроқ гамхўрлик қилишлари керак.

Мажлисда мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ишларини ташкил этишдаги камчиликларни бартараф этиш, болалар боғчаларини барпо этиш муддатларини қисқартириш, ана шу муассасаларнинг ишини яхшилаш тўғрисидаги масалалар кўтарилди.

Қабул қилинган қарорда комиссия Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қайд этиб ўтилган камчиликларни қисқа муддатлар ичида бартараф қилишни тавсия этди. Болалар касалликларининг олдини олишга, янги медицина муассасалари қуришни жадаллаштиришга, болалар таомлари ошхоналарининг тармоқларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТСИЗ ДАРОМАД ОЛИШГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва контрол қилиш органларининг 24 сентябрь куни Ўзбекистон ССР прокуратурасида бўлиб ўтган идораларо координация кенгашида шу нарса таъкидланди.

Ўғирлик, қўшиб ёзишлар, чайқовчилик ва қонунни бошқа тусда бузишларга қарши қураш кучайтирилганига қарамай, бу муҳим ишда ҳали жиддий камчиликлар борлиги айтиб ўтилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва маиший хизмат соҳасидаги кўп суиистеъмоллар бир қанча министрликлардаги идора контроли ва ревизия аппаратлари фаолиятининг қониқарсизлиги натижасида юз берди. Масалан, шу йилнинг ўзида республикада салкам 3 миллион сўм маблағ ишлаб чиқариш зарарлари ва харажатлари сифатида ҳисобдан чиқариб ташланди. Ҳолбуки, халқ хўжалигига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлари жавобгарликка тортилмади, келтирилган зарар ундириб олинмади. Бундай фактлар давлат агросаноати, Ўзбекбирлашув, Савдо министрлиги, Автомобиль транспорти министрлиги, Ўзбекистоннинг бошқа министрликлар ва идоралари системасида юз бермоқда.

Контрол қилувчи органлар ва молия органлари кўпинча расмиятчиликка йўл қўйётганликлари, ишга принципиаллик билан ёндашмаётганликлари кўрсатиб ўтилди. Шундай ҳоллар ҳам бўлмоқдаки, тақдим этилган декларацияларнинг асосли эканлиги текшириб кўрилмаяпти, ғайриқонуний фаолият учун жарима миқдорини белгилашда қонун бузилмоқда. Маҳаллий Советлар ҳали талабчаликни оширгани йўқ, улар қонуннинг бутун кучидан фойдаланмаяптилар.

Кенгашда меҳнатсиз даромад олишга қарши курашни янада кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва контрол қилиш органлари, министрликлар ва идоралар, меҳнат коллективларининг бу соҳадаги ишини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

(ЎзТАГ).

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

ЛАФЗГА ЯРАША

1985 йил Марғилон ипак комбинати пиллакашлик фабрикасининг йиғирувчиси М. Раҳмонова ҳаётида ёрқин из қолдирди. Фабрика коммунистлари уни ўз сафларига қабул қилдилар.

Ёш коммунист юксак ишончни зарбдор меҳнати билан оқлаб келаётир. Партия XXVII съезди арафасида у республикамиз бир қанча илғор ишчилари қатори ўн иккинчи беш йилликда ўн йиллик иш нормасини бажариш ташаббуси билан чиқди. 30 та ўрнига 60 та урчуққа хизмат кўрсата бошлади.

Йилнинг ўтган ойларидаги иш якунлари ёш ишчининг лафзига яраша меҳнат қилаётганлигидан далолат беради. У пландаги 538,3 ўрнига 1376,7 килограмм сифатли хом ипак тайёрлаб берди.

А. ҚУТБИДДИНОВ.

ИЗЛАНГАНГА ТОЛЕ ЁР

Самарқанддаги 129-автобазада меҳнат унумдорлигини ошириш, хом ашё ва материаллардан тежамли фойдаланиш ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Бу ҳаракатда рационализаторлар ҳам фаол қатнашмоқдалар. Жумладан, автохўжаликда чорак асрдан буён меҳнат қилаётган токарь Я. Макарович «ЗИЛ» ва «МАЗ» автомобиллари учун махсус шайба, фебра пластикаси, гильзалар ясаб бермоқда. Натижада деталларнинг олисдан келтирилишига барҳам берилди. Унинг таклифи йилига 20 минг сўм иқтисодий самара келтирмоқда.

Рационализаторлардан Д. Абдуҳакимов, А. Бухман ўртоқларнинг таклифлари ҳам ремонт-созлаш ишларига кетадиган вақтни қисқартириш имконини берди.

О. КАТТАБЕКОВ.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИЛМИЙ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон пойтахтида уч минг яқин олим йиғилди. Бу ерда 24 сентябрь куни механиклар VI Бутуниттифоқ съезди иш бошлади. Бу мўътабар учрашувни СССР Назарий ва амалий механика миллий комитети мамлакатнинг етакчи илмий муассасалари ва олий мактаблари актив иштирокида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан биргаликда ўтказмоқда.

Комитет раиси академик И. Ф. Образцов съездни оча туриб таъкидлаганидек, партия, унинг XXVII съезди олға сураётган жадаллаштириш концепцияси фан-техника тараққиёти ҳамма йўналишларининг пойдевори бўлмиш мана шу билим соҳасига бевосита тааллуқлидир. Механика ишлаб чиқаришни интенсивлаш, янги серунум машина ва механизмларни, сифат жиҳатидан янги прогрессив материаллар ва технологияларни яратиш ҳамда практикага жорий этиш муҳим вазифаларини ҳал этишга актив ёрдам бера олади ва шундай қилиши керак.

Муҳокама программасига умумий ва амалий механиканинг, қаттиқ жисм, суюқлик ва газ механикасининг, механика қонунларини амалий технология вазифаларига татбиқ этиш муҳим проблемаларига доир бир ярим мингтадан кўп доклад ва ахборот киритилган.

Ўзбекистон олимлари юзтадан кўпроқ доклад қиладилар. Республикада бу соҳадаги билимнинг яхши анъаналари бўлиб, механикларнинг ўзига хос илмий мактаблари вужудга келган ва улар халқ хўжалик комплексини ривожлантириш бош йўналишлари — янги авлод пахта териш машиналарини яратишда, иншоотлар зилзила бардошлигини таъминлашда, гидротехника иншоотлари қуришда, суғориш илғор методлари ва системаларини ишлаб чиқишда изланишлар олиб бормоқдалар. Мамлакат етакчи олимлари ва мутахассислари анжуманини Тошкентда ўтказиш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш республика учун ҳаётий муҳим масалаларни муваффақиятли ҳал этишда ёрдам беради, деб съездда таъкидланди.

Биринчи ялпи мажлисда СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик К. В. Фролов ҳозирги машинасозликдаги механика проблемалари тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти республика Фанлар академиясининг академиги Т. Р. Рашидов Ўзбекистонда механика фанининг ривожланиш ҳолати ва истиқболлари тўғрисида қилган докладлари тингланди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Фан ва техника давлат комитетининг раиси академик Г. М. Марчук, СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. П. Александров съездга юборган табрик телеграммалари ўқиб эшиттирилди.

Биринчи ялпи мажлисда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Н. В. Арзамасцев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ғ. З. Заҳритдинов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ТЕРМИЗ, 24 сентябрь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари область Советининг бугун бўлиб ўтган сессиясида КПСС XXVII съезди талаблари асосида Сурхондарё область маҳаллий Советларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш вазифаларини муҳокама қилинди.

Депутатлар область Совети саноат, транспорт ва алоқа доимий комиссиясининг ҳисоботини ҳам тингладилар.

Сессияда Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов нутқ сўзлади.

РЕСПУБЛИКАЛАРАРО КЕНГАШ

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш проблемалари хотин-қизларга медицина ёрдамини яхшилашга бағишлаб 23 сентябрь куни Тошкентда очилган республикаларо кенгашнинг диққат марказида бўлди. Кенгаш қатнашчилари — РСФСР, Украина, Белоруссиядан, Болтиқ бўйи ҳамда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондан келган олимлар, мутахассислар аёллар касалликларининг олдини олиш, уларни диагноз қилиш ва даволашни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилмоқдалар. Медицина ёрдамини яхшилаш, соғлиқни сақлаш объектларини кенгайтириш, акушерлик муассасаларини энг янги ускуналар билан таъминлаш проблемаларига катта эътибор берилмоқда.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ С. ҚУРБОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия органларидаги узоқ йиллик самарали иши учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ўртоқ Собитхон **Қурбонов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **О. САЛИМОВ.**
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари номидан — Президиум аъзоси **Ш. МИРСАИДОВ.**

Тошкент шаҳри,
1986 йил 24 сентябрь.

Партия комитети: иш услуби ва методлари

ҚАЙТА ҚУРИШНИ ҲАР КИМ ЎЗИДАН БОШЛАШИ КЕРАК

ПАРТИЯ халқни, кенг меҳнаткашлар оммасини революцион ва бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишга сафарбар қилиб, ленинча анъаналарга амал қилган ҳолда ўртага қўйилган мақсадларга эришиш учун энг аввало ўзи фидокорлик билан сиддиқдилдан ишлаш ва курашиш намунасини кўрсатди. Социализмни такомиллаштириш, уни иқтисодий, социал ва маънавий жиҳатдан юксалтиришдаги ҳамма жараёнларнинг қўлами ва мураккаблиги мислсиз даражада ошган ҳозирги пайтда партия ички партиявий турмушни қайта қуриш ва партиявий раҳбарлик формалари ҳамда методларини янгилаш ишларини айнан ўзидан бошлади.

«Агар биз ишчилар билан деҳқонларни астойдил интизомга ўргатмоқчи эканмиз, ишни ўзимиздан бошлашимиз керак», — деб ёзган эди В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ. Бу талаб партиянинг ҳамиша чуқур ички эҳтиёжи ва ўзгармас анаънаси бўлиб келди.

Партиянинг кучи, деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, у давр нафасини, ҳаётнинг томир уришини ҳис қилиб турганлигида, ҳамиша омма орасида иш олиб бораётганлигидадир. Зотан ҳар гал мамлакат олдига янги вазифалар қўйилар экан, партия бу вазифаларни ҳал этиш йўлларини топади, раҳбарлик методларини қайта қуради, ўзгартиради, мамлакат тақдири учун, социализм ва коммунизм иши учун тарихий масъулият даражасида бўла олишини намойиш этади.

КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми, партия XXVII съезди барча партия комитетлари ва ташкилотларининг турмуши ва фаолиятини тубдан қайта қуришнинг вазифалари, характери ва мақсадини ҳар томонлама асослаб берди. Ўзини бенуқсон деб ўйлашдан воз кечиш, ўтмишдаги ва ҳозирги ишларни танқидий таҳлил этиш, эскирган, қолоқ, олға қараб ҳаракат қилишга ҳалақит берадиган ҳамма нарсадан қатъий ҳоли бўлиш, энг аввало ўзига нисбатан юксак талабчан бўлиш, ишнинг янги, самарали форма ва методларини дадиллик билан излаш — ҳаёт тақозо этаётган мана шу талаблар бугунги кунда ҳар бир партия комитети, ҳар бир бошланғич ташкилот, ҳар бир коммунист учун қонун бўлиб қолмоқда.

Бундай ёндашув республика партия ташкилоти учун айниқса актуалдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ва ундан кейинги пленумларида, Ўзбекистон Компартияси XXI съездида экономика, социал соҳадаги очиб ташланган жиддий камчиликлар, партия ички турмушидаги ленинча нормалар ва принциплардан чекинишлар республика коммунистлари зиммасига ўз ишларига, барча ишлар ва режаларга ғоят қатъий талабчанлик билан ёндашиш, салбий ҳодисаларнинг оқибатларини кескин ва муросасизлик билан тугатиш, ўз фаолиятининг ҳамма жиҳатларини давр руҳига мувофиқ тубдан қайта қуриш вазифасини юклайди. Айни вақтда бу ишларнинг ҳаммасини йўл-йўлакай, жадал амалга ошириш, эски, умри тугаган нарсаларнинг таъсирини, қайта қуришга мослашишга уринишларни бўрттирмай ва камайтирмай, қатъият ва собитқадамлик билан кураш олиб бориш керак.

Республикада соғломлаштириш жараёни давом этмоқда, бу йўналишда анча катта, кўпинча кескин чоралар амалга оширилмоқда. Партия, совет, хўжалик органларини, жамоат ташкилотларини ўз обрўсига путур етказган шахслардан тозалаш юзасидан тадбирлар комплекси ўтказилди. Барча партия комитетларида, халқ депутатлари Советларининг кўпгина ижроия комитетларида, министрликлар ва идораларда, ташкилотлар ҳамда хўжаликларда, касаба союзлари ва комсомолда кадрлар маълум даражада алмаштирилди. Партия, совет, хўжалик қурилишининг ҳамма соҳаларини сиёсий жиҳатдан етук, билимдон, ҳалол кадрлар билан мустаҳкамлашда КПСС Марказий Комитети республикага жуда катта ёрдам кўрсатиб келди ва кўрсатмоқда. Марказий аппаратдан, мамлакатнинг йирик партия ташкилотларидан ўртоқларни доимий ишлаш учун Ўзбекистонга юбормоқда. Бу эса ишга янги омил бағишлаш, қимматли тажрибани мужассамлаштириш, қайта қуришни тезроқ ўтказиш имконини берди.

Айни пайтда икки йилдан буён юз нафардан зиёд истиқболли партия, совет, комсомол ходимлари КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясига, Москва, Ленинград, Саратов, Свердловск, Новосибирск олий партия мактабларига юборилмоқда. Ана шу жойларда улар партиявий-сиёсий билим олибгина қолмай, йирик партия ташкилотлари тажрибасини ҳам ўрганадилар, интернационал жиҳатдан чинакамига чиниқадилар.

Партия комитетлари ва ташкилотларининг ҳаёти ҳамда фаолиятида ишга янгича ёндашишда, унинг янги форма ва методларида жуда кўп умидбахш белгилар пайдо бўлмоқда. Барча партия органларининг коллегиаллиги мустаҳкамланмоқда, танқид ва ўз-ўзини танқид кенг тус олмоқда, унда амалий, ишчанлик характери тобора кўпроқ қарор топиб, партия директивалари ва ўз қарорлари ижросини контрол қилиш кучаймоқда. Ўзига ва бошқаларга нисбатан ўртоқларча талабчанлик ошмоқда, мансаби, лавозими ва ўтмишдаги хизматларига қарамай, кадрларга талабчанлик билан муносабатда бўлиш нормага айланмоқда. Устав талабларидан, партия ахлоқи ва этикаси нормаларидан сал бўлса-да, чекинишга йўл қўймайдиган, айни пайтда кадрларни ташаббускорлик билан ижодий ишлашга, вазифаларни ҳал этишнинг янги-янги йўлларини излашга, топширилган иш учун тўла жавоб беришга даъват этувчи муҳит вужудга келтирилмоқда. Бир қанча партия комитетларида расмиятчилик, мажлисбозлик ва қоғозбозлик қатъият билан тугатилиб, жонли амалий ишлар кўпайиб бормоқда.

Партиямизнинг ташкилий асоси, меҳнат коллективларининг сиёсий ўзаги бўлган бошланғич партия ташкилотлари ишида айниқса муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Жанговарлик кўрниги тобора кенг тус олмоқда, йиғилишларда коммунистларнинг, шу жумладан, раҳбарларнинг ҳисоботлари тез-тез эшитилмоқда. Партия аъзоларига нисбатан ўртоқларча талабчанлик тобора кўпроқ намоён бўлмоқда.

Бу ҳозир давом этаётган партия группалари, цех ва бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот ва сайловларида яққол кўзга ташланмоқда. Йиғилишларнинг кўпи партиявий интизом мустаҳкамланиб бораётган, уюшқоқлик, ошкора танқид ва амалий қарорлар қабул қилиш вазиятида ўтмоқда. Партия бўғинларининг иши қониқарсиз деб топилаётганлиги ҳоллари ҳам коммунистлар мавжуд камчиликларга нисбатан муросасизлик билан қараётганликларининг далилидир. Юз-хотир қилмай, қаттиқ танқид қилиниб, принципиал баҳо берилгандан кейин ҳар сафар аҳволни ўнглаб олиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилиши айниқса муҳимдир.

Шу билан бирга, ана шу дастлабки куртаклар ва силжишларни узил-кесил қайта қуриш ва бурилиш, деб ҳисоблаш хато бўлур эди. Тафаккур ва ишга ёндашув ҳали ҳам сust ўзгармоқда, туб ўзгаришларга эришиш учун дадил уринишлар силжимаяпти. Топширилган ишнинг аҳволи учун, ишлаб чиқаришни кескин жадаллаштириш ва интенсивлаш, техника билан қайта қуроллантириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун кадрларнинг тегишли жавобгарлиги ҳамма жойда ҳам қарор топаётгани йўқ. Бир қанча корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларда ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётида коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш таъминланмаяпти. Хизмат мавқеини суиистеъмол этиш, масъулиятсизлик, сўз билан ишнинг мувофиқ келмаслиги, қуруқ ваъдалар ва бепарволик билан ишонтиришлар ҳамон учраб турибди. Баъзи жойларда принципиал баҳо бериш ўрнига чала-чулпа чоралар кўрилмоқда.

Бундан битта хулоса келиб чиқади: республика партия ташкилоти ўтказаётган қайта қуришни бутун чоралар билан жадаллаштириш ва ривожлантириш, ҳаётга дадилроқ жорий этиш, унга ялпи ва узлуксиз тус бериш лозим.

Бу ишда шаҳар, район партия комитетлари намуна кўрсатишлари керак. Улар бошланғич ташкилотлар, коммунистлар билан бевосита боғлиқ бўлган органлардир, шу сабабли улар юз бераётган ўзгаришларнинг маркази ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлишлари керак.

Партия комитети шуғулланадиган кундалик хилма-хил ишлар жараёнида принципиаллик, ишчанлик, уюшқоқлик, юксак масъулият ва шахсий камтарлик вазияти ҳукм сурса — мана шунинг ўзи ҳам бошланғич партия ташкилотлари ишига, коммунистларнинг кайфиятига таъсир қилмай қолмайди.

Партия комитетининг ленинча иш услуби, деган жуда катта ва сермазмун тушунча бор. Бу тушунча кўп нарсани: ишга истиқболни кўзлаб ёндашишни, асосий биринчи галдаги вазифаларни чуқур таҳлил асосида тўғри белгилашни, бу вазифаларни соф хўжалик нуқтаи назаридан эмас, балки сиёсий нуқтаи назардан қараб ҳал этишни, белгиланган режаларни ховлиқтирмай, сўзамоллик қилмай амалда бажаришни ташкил этишни тақозо этади. Партия ташкилотлари коммунистлар билан мустаҳкам кундалик алоқада бўлиш, барча илғор, янги нарсаларни фаол қўллаб-қувватлаш лозим. Кадрлар билан ишлашнинг, ижрони ташкил этиш ва текширишнинг, кишиларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ривожлантиришнинг аниқ-пухта системаси зарур. Ўз ишини танқидий анализ қилиш ва баҳолаш, коммунистларнинг фикрларини манфаатдорлик билан, ҳеч қандай жиззакилик қилмай ва кеккаймай ҳисобга олиш, қўйидан бўладиган танқид ва эътирозларга амалий муносабатда бўлиш ғоят муҳимдир.

Услуб тушунчаси мазкур партия комитетида ишлайдиган одамлар — секретарлар, бюро, аппарат аъзоларининг сиёсий, ишчанлик ва маънавий сифатларидан ажралмасдир. Бу соҳада уларнинг шахсий намунаси жуда муҳим роль ўйнайди. Ўзимиздан бошлашимиз керак, деган муҳим ленинча талаб энг аввало партия ходимининг оғир ва масъулиятли вазифасини бажараётган кишиларга тааллуқлидир, шаҳар ёки район партия ташкилотига бошчилик қилиш, унинг штабида ишлашдек юксак ишонч билдирилган кишиларга тааллуқлидир.

Бугунги кескин бурилиш даврида ўз ишини ана шундай ташкил этаётган шаҳар ва район комитетлари республикамизда оз эмас. Сўнггги вақтда практикада қўлланилаётган сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзоларининг, ҳамма даражадаги раҳбарларнинг ҳисоботини пленумларда, бюро мажлисларида, бошланғич партия ташкилотларида эшитиш практикаси ҳар томонлама маъқуллашга лойиқдир. Раҳбар партия ва совет активларига характеристикаларни коллегиал партия органлари мажлисларида муҳокама қилиш ва тасдиқлаш ҳам сўзсиз фойда келтиради. Раҳбар партия ишларига, жумладан шаҳар, район партия комитетларининг биринчи секретарлари лавозимига мўлжалланган номзодларни улар олдин ишлаган – бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларида муҳокама қилиш ҳам соғлом маънавий-сиёсий муҳитни вужудга келтиради.

Мана, характерли бир мисол. 1985 йил ноябрида Неъматжон Холматов Навоий область, Қизилтепа район партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. Шу йилнинг май ойида эса бошланғич партия ташкилоти йиғилишида бу коммунистнинг Уставда белгиланган бурчларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. У ўз ишлари ва режаларини очиқ айтди, нималарни уддалай олаётганлигини, нималарни бажара олмаётганлигини гапириб берди, маслаҳат беришларини ва эътирозларини айтишларини илтимос қилди. Аппарат коммунистларининг шаънига шуни айтиш керакки, улар биринчи секретарнинг роли ва обрўсига путур етказмаган ҳолда ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг у ёки бу участкасидаги муваффақиятлар ва муваффақиятсизликларнинг сабаблари тўғрисида ўз фикрларини ётиғи билан айтдилар, лавозими катта ўртоққа унинг шахсий камчиликлари ва нуқсонларини ҳам кўрсатдилар, амалий таклифлар киритдилар.

Шундан кейин партия комитетида, унинг аппаратида, партия ташкилотида муҳит қандай яхшиланганлиги тўғрисида гапиришга ҳожат бўлмаса керак. Биринчи секретарнинг бошқаларга нисбатан юксак талаб қўйиш ҳуқуқи фақат лавозими жиҳатидан эмас, маънавий жиҳатдан ҳам мустаҳкамланди. Бу йил бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот берган районнинг ўттиздан ортиқ раҳбар ходимларидан бирортаси ҳам мансаб обрўсини «ҳимоя қилиш»ни сўраб райкомга келмаган бўлса керак.

Афсуски, энг аввало ўзига нисбатан ана шундай талабчан бўлиш бир қанча партия комитетларининг бюро аъзолари, секретарлари ва аппарати иш практикасига секинлик билан жорий этилмоқда. Уларнинг фаолиятида расмиятчилик ва масъулиятсизлик, ваъдабозлик ва дабдабабозлик фактларини, идорадан чиқмаслик, бюрократик методларини, раҳбарлар ва оддий коммунистлар ҳаракатига баҳо беришга икки хил ёндашиш ҳолларини ҳали ҳам кўриш мумкин.

Ангрен шаҳар партия комитетида худди шундай вазият вужудга келди. Унинг иши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлисида муҳокама қилиниб қониқарсиз, деб баҳоланди.

Масалани ўрганиш ва муҳокама қилиш чоғида ана шу партия комитети бюроси, секретарлари ва аппарати ишида типик ва кўп сонли расмиятчилик ҳамда масъулиятсизлик кўринишлари мавжудлиги аниқланди. Бу ўринда, афсуски, қайта қуришни амалда рўёбга чиқариш эмас, балки бошқа бир қанча партия, совет, хўжалик органларига ҳам хос бўлган қайта қуришга мослашиш каби хавфли тенденция яққол намоён бўлди.

Табиийки, бу аҳвол шаҳар партия комитетининг ишига ҳам, шаҳардаги ишларнинг аҳволига ҳам салбий таъсир қилмай қолмас эди. Партия комитети фаолиятида етилган проблемаларни сунъий равишда чеклаш, кенг тарқалган нуқсонларни айрим кишилар доирасидан чиқармаслик каби зарарли тенденция пайдо бўлди, бу эса муқаррар равишда нообъективликка, пала-партишликка, асоссиз равишда айблаш ва партия этикасини бузишга олиб келди.

Ишдаги расмиятчилик аввало шаҳар партия комитети ишини планлаштириш ва ташкил этишга эскича ёндашувда кўзга ташланди. 1986—1990 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган комплекс план шаҳарни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг асосий вазифаларини, етилган проблемаларни ҳал этиш йўлларини равшан кўрсатмайди. Бусиз эса олға ҳаракат қилиш қийин, албатта.

Шаҳар партия комитети, унинг бюроси, секретарлари ва аппарати кундалик ишлари тажрибаси ҳам жиддий равишда ўзгармади. Коллегиал органда муҳокама қилишга қўйиладиган кўпгина масалалар ишларнинг аҳволини ва уни яхшилашнинг конкрет чораларини чуқур таҳлил қилмай шошма-шошарлик билан тайёрланади. Совет ва хўжалик органлари ишини такрорлаш ва уларнинг ишини қилиш давом этмоқда. Шаҳар партия комитетида сиёсий ёндашувлар ва методлар етишмаяпти. Партия ва ҳукумат директиваларининг, ўз қарорларининг ижроси тегишлича контрол қилинмаяпти.

Буларнинг ҳаммаси хўжалик ва маданий қурилишга салбий таъсир ўтказмоқда. Шаҳар партия комитети сўзда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун жон куйдирмоқда. Бироқ бу йилги реконструкция планларининг атиги учдан бир қисми бажарилди. Қўл меҳ-

Э. А. Шеварднадзенинг БМТ Бош Ассамблеяси 41-сессиясидаги нутқи

НЬЮ-ЙОРК, 23 сентябрь. (ТАСС). Бугун БМТ Бош Ассамблеяси 41-сессиясининг яппи мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе нутқ сўзлади.

Бир қарашда Бош Ассамблеянинг аввалги сессиясидан кейин ўтган вақт ҳозирги замон манзарасини равшанлаштирмагандек туюлади, деди у. Бу вақт аввалги ташвишларни кучайтирган бир қанча омиллар билан нишонланди. Қуролланиш пойгаси тўхтатилгани йўқ, бу пойга тобора юксалиб бормоқда. Уни космик фазога ёйиш хавфи яна ҳам реал бўлиб қолди. Ҳарбий можароларнинг хатарли манбалари сақланиб турибди. Жаҳоннинг кўпгина районларида камбағаллик ва қашшоқлик тобора кучаймоқда.

Буларнинг ҳаммаси бор гап. Шунга қарамай, биз Халқаро тинчлик йили тарихда ўзининг тинчлик бунёдкори тимсоли билангина жой олиб қолмайди, деб ҳисоблаймиз.

Инсоният учун бурилиш палласида халқлар ва тобора кўпроқ ҳукуматлар ядро-космик даврининг реалликларига мувофиқ янгича фикрлаш зарурлигини англаётганликлари бизга умид бағишламоқда.

Мамлакатимиз КПСС XXVII съезди эълон қилган таниқи сиёсий йўлни амалга ошира бориб, конкрет амалий тадбирларни рўёбга чиқармоқда.

Ядро портлатишлари ихтиёрий равишда тўхтатиб қўйилганлиги — мана шундай тадбирларнинг энг муҳимларидан биридир. Бу — муддааларимизнинг самимийлигини, жаҳоннинг келажаги тўғрисидаги ғамхўрлигимиз жиддийлигини ифодаловчи ҳаракатнинг ўзидир, деб уқтирди СССР делегациясининг бошлиғи.

Совет полигонларида бир йилдан кўпроқ вақтдан буён сокинлик ҳукм сурмоқда. Бунга бир қулоқ солиб кўринг, у кўп нарсадан далолат бермоқда. Агарда шу сокинликка Америка полигонларидаги сокинлик ҳам қўшилганида эди, бу ҳол инсониятга ядросиз дунё гоясини рўёбга чиқариш сари ҳаракат амалда бошланаётганлигини ҳар қандай сўздан кўра яхшироқ билдирган бўлур эди.

Синовларни тўхтатиш — ядро қуролининг янги турлари пайдо бўлишига йўл қўймаслик, ядровий космик қуролларни яратиш йўлига ғов солиш демакдир. Биз АҚШни неча бу ерда у таклиф этганидек, бизни орқага, портлатишлар ўтказишга эмас, балки олга томон ҳаракатда бизга қўшилишга даъват этамиз. Портлатишларни икки томонлама, сўнгра эса кўп томонлама ҳам тўхтатиб қўйиш — кенг қамровли халқаро тинчлик ва хавфсизлик системасини яратишга олиб борадиган тадбирларнинг энг муҳим бўғинларидан биридир.

Шу тадбирни рўёбга чиқаришга азму қарор берган СССР бошқа социалистик давлатлар билан бирга сизларнинг муҳокамангизга шу хусусдаги таклифларни тақдим этди. Аминмизки, ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларни қамраб олувчи бундай системанинг яратилиши барча давлатлар ва халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Бизнинг ташаббусимизда: Ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш учун нима қилиш керак, деган саволга жавоб берилган.

Фақат биргина илож бор: вақт-ганиматда телбанамо режалардан воз кечиш керак, уларнинг биронтаси ҳам ҳеч кимга наф келтирмайди, ажал келтирувчи ядро қисмати билан бундай ўйнашишни абадий тўхтатиш лозим.

Ўз тақдирини ўзи ҳал эта оладиган бирдан-бир суверен ҳакам бўлмиш жаҳон ҳамжамияти буни уддалай олади. Ядро қуролига эга бўлган биронта ҳам давлат барча учун қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас. СССР бундан воз кечади.

Совет раҳбарининг 15 январдаги тарихий Баёнотида бошқа нарса — барча ядро қуролларини йўқ қилиш таклиф этилган. Бунда ҳам яна амалий ишлар мезон бўлиб қолмоқда.

Сиёсий жиҳатдан ҳаддан ошишга сиёсий масъулият қарама-қарши қилиб қўйилди. Ядро синовлари проблемаси бир-бирини инкор этувчи мана шундай ёндашувларни айниқса, аққол намоён этмоқда.

Бошқа фактлар ҳам мавжуд. СҚЧ-1 ва СҚЧ-2 шартномаларининг тақдирига бир назар ташланг. Қанотли ракеталар билан қуролланган бир юз ўттиз биринчи бомбардимончи самолётга жой топилмай қолганлиги учун ҳозир ана шу шартномаларни бузмоқдалар. Бир ярим мингта шундай ракеталар озлик қилиб қолибди.— Яна йигирматасини қўйиш зарур, деб тондилар.

Биз ҳам ўз халқимиз олдидаги, ҳам бошқа халқлар олдидаги масъулиятимизни англаб, ҳаракат қилмоқдамиз. Айни шу боисдан биз стратегик ҳужум қуролларини ва ўртача олислик ракеталарини қисқартириш тўғрисидаги таклифларни олга сураётганимизда оқилона муросаларга ва реалистик ён беришларга рози бўлмоқдамиз. Ядро-космик асрининг реалликларига янгича ёндашув худди мана шунда намоён бўлмоқда. Бундай ёндашув М. С. Горбачевнинг партиямиз XXVII съездидаги докладида жуда тўлиқ ва яхлит ҳолда баён этиб берилган.

Муддааларимизнинг самимийлиги ва позицияларимизнинг ҳалоллиги жаҳон ишларининг хатарли боришига чек қўйишга берган азму қаророримизга ҳамоҳангдир. Ядро қуроли синовларидан воз кечишга шу қадар зўр эътибор бераётганлигимизнинг боиси шундаки, баёнотларнинг самимийлиги айни мана шунда синалади.

Кеча биз АҚШ президентининг нутқини тингладик. БМТ Бош Ассамблеясининг минбаридан шу тарзда фойдаланилганлиги таассуфга лойиқдир. Ана шу нутқнинг ҳар бир бандига жавоб қайтариш қийин эмас. Аммо мунозара қилиб ўтириш мажлис аҳлига нисбатан ҳурматсизлик ифодаси бўлур эди. Суҳбат мавзуи ғоят жиддий, уни сиёсий аскиябозлик учун қайроқ тошга айлантирмаслик керак. Вақт ғоят қимматли, уни реалликлар ва фактларни бузиб кўрсатувчи янглишувлар ҳамда хурофотларни рад этишга сарфламаслик керак.

Шундай бўлса-да, энг муҳим бир жиҳатни тилга олиб ўтиш зарур, чунки у принципиал аҳамиятга эга. Мен гўё урушнинг янги мукаммал технологияси хавфсизликни пухта таъминлай олади, деган гапни фалсафий асослаш йўлидаги уринишни назарда тутяпман. Айни шундай «фалсафа» қурол-яроғларнинг йил сайин тоғтоғ кўпайиб боришига олиб келдики, ҳозир мана шу қурол-яроғлар Ерни яксон қилиб ташлаш хавфини солмоқда.

Хавфсизликнинг фақат битта йўли бор — мавжуд қурол-яроғларни янгилари билан алмаштирмай, балки уларни йўқ қилиб ташлаш керак. Қиргинлик технологияси сиёсатни белгилаб беришига йўл қўйиб бўлмайди.

Америка Қўшма Штатлари ҳам Тинчлик йилида ядро синовларини тўхтатишга қарор берганлигини эшитган кишилар қанчалик енгил нафас олишларини тасаввур қилиш мумкин. Улар АҚШ президентидан мана шуни кутишган эди.

Мен қуйидагиларни айтиш ваколатига эгаман: Совет Иттифоқи ядро қуроли синовларини батамом тақиқлаш тўғрисидаги шартномани исталган вақтда ва исталган жойда имзолашга тайёрдир. Бутун жаҳон ҳамжамияти мана шу буюк ишга дахлдор бўла олиши учун, унинг хоҳиш-иродасига нисбатан ҳурмат белгиси юзасидан тарихнинг бурилиш нуқтаси белгилаб қўйилиши учун биз бу ишни шу ерда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти даргоҳида қилишга тайёрмиз.

Инсоният қандай дунёда — ядроли ёки ядросиз дунёда яшайдими, деган масалани ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг тор группаси эмас, балки бутун жаҳон ҳамжамияти ҳал этиши керак, деб ҳисоблаётган давлатларнинг фикрига қўшиламиз.

Бу гап космос тақдирига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Чунки, Ер атрофи фазоси инсониятнинг умумий мулки, зотан ундан умумий фаровонлик йўлида фойдаланилиши керак. У ерда қурол пайдо бўлиб қолган тақдирда бу мулк барча учун хавфхатарга айланиб қолади. Ҳарбий-космик давлат статусига эга бўлган икки-уч давлатгина қолган дунёга тазйиқ ўтказиб туради.

Хўш, биз шуни хоҳлаймизми? Иш ҳарбий космик вассаллик ўрнатилишигача етиб боришини истаймизми? Воқеалар ривожининг ўзи шу саволни ўртага қўймоқда, воқеалар ривожи эса халқаро муносабатларнинг бутун структураси учун фожиали бўлиши мумкин. Шу боисдан биз бундан буён ҳам космосни бир-икки давлатнинг ҳарбий улушига айлантириш йўлидаги уринишлардан ҳимоя қилишга ҳаракат қиламиз.

Ҳозир ана шу даъволарни ҳужум хавфига гўё абадий барҳам берадиган мудофаа программаси тўғрисидаги баландпарвоз гаплар билан ниқобламоқдалар. Шундай орзу тўғрисида зўр бериб астойдил жар солмоқдаларки, гўё унинг рўёбга чиқарилиши инсониятни ядро ажали даҳшатидан халос этар эмиш. Ёвуз ниятни эзгу ният қилиб, қилични эса қалқон қилиб кўрсатмоқдалар.

Бундай нутқларга ҳеч ким учмай қўя қолсин. Бу нутқат барқарорликнинг бош таянчи — ракетадан мудофаа тўғрисидаги Шартномага қилинаётган ҳужумни хас-пўшламоқда. Бу Шартномани йўлдан олиб ташламоқчилар, бунинг учун етти йил муддат ҳам белгилаб қўйишди. Бунда ҳамма нарса аниқ ҳисоблаб қўйилган — айнан етти йилдан кейин космик қуролларни жойлаштиришга тайёр бўлишни мўлжалламоқдалар.

Бунинг нима ҳожати бор, деган савол туғилади. Кучғайратни биз таклиф этаётганимиздек стратегик, ўртача олислик ядровий ракеталарини, бошқа ҳар қандай ракеталарни батамом тугатиш тўғрисида аҳдлашиб олишга сарфланса оқилона иш бўлмайдими?

Бунинг жавоби оддий: космик мудофаа қалқони қанчалик ниқобланмасин, у биринчи зарба уриш учун яратилмоқда.

Биринчи зарба қайси мамлакатга қарши қаратилган бўлмасин, у ўша мамлакат учунгина эмас, умуман сўнгги зарба бўлиб қолади. Ядро қуроли каби космик қурол ҳам миллий чегараларни билмайди, у кимга шафқат қилиш керагу, кимни йўқ қилиш кераклигини танламайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам бу қурол бир ёки бир қанча мамлакатларни эмас, балки бутун дунёни нишонга олиб туради.

Шу боисдан ҳам биз: космос тинч бўлиб қолиши учун уни ҳамма қаттиқ туриб ҳимоя қилиши керак, деб барчани оғоҳлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бунда ҳам космик оламнинг бирдан бир қонуний васийси — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз сўзини айтиши керак.

Биз химиявий қуролни йўқ қилишдек ниҳоятда муҳим ишда ҳам БМТдан ёрдам сўраймиз. Женевадаги конференцияда умидбахш силжишга эришилди.

Ер юзини химиявий қуролдан холи қилишдан иборат тарихий вазифа ҳозир ҳал этилишга яқин қолди. Винар зарядлар яратиш йўлига ўтиб олган АҚШнинг позициясигина бунга халақит бериши мумкин. Аммо сиёсий ирода намоён этилган тақдирда тўсиқлар бартараф қилинади. Бизнинг ташкилотимиз уни рағбатлантиришга бемалол қодирдир.

Сўнгра Э. А. Шеварднадзе кенг қамровли халқаро хавфсизлик системаси фақат ядровий, космик ёки химиявий қуролларнигина ўз ичига олмаслигини уқтириб ўтди. Хавфсизлик ҳар қандай куч, шу жумладан оддий қуроллар ва қуролли кучлар ишлатилмаслигини назарда тутади.

Совет Иттифоқи, аввало, ҳарбий-сиёсий иттифоқларнинг ҳарбий қарама-қаршилик даражаси анча пасайтирилиши учун курашмоқда. Бу хусусда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг қурол-яроғлар оқилона даражада етарли бўлган концепцияга асосланган амалий таклифлари ҳам мавжуд.

Биз қўшинларимиз миллий чегараларимиздан ташқари бирон бир жойда бўлишини умуман истамаслигимизни ҳам айтмоқчимиз. Бу масала ҳам муҳокама қилиш учун очиқ бўлиб, у мустаҳкамланиб борадиган ишонч, ҳарбий кескинликни юмшатиш чораларини амалга ошириш шароитида ҳал этилиши мумкин.

Стокгольм анжуманида ҳозирдаёқ бу иш бошлаб юборилди. Европаликларгина эмас, — биз ҳаммамиз ақлидрок ва холис ниятнинг ана шу ғалабаси билан ўзимизни ва бир-биримизни табриклашимиз мумкин. Бу ғалаба бизга шунчаки муҳим аҳдномадан кўра кўпроқ нарса берди — биз ҳаммамиз ҳақиқатан ҳам бирон нарсани истаганимизда ҳамма нарсага эриша олишимизни кўрсатди.

АҚШ билан муносабатларимиз истиқболсиз, деб асло ҳисобламаётганлигимизни, бунинг устига биз Америка халқига нисбатан жиддий ҳурмат билан қараётганлигимизни айтиб ўтмоқчиман. Кейинги вақтларга жиддий аҳдномаларнинг умидбахш нишоналари намоён бўлмоқда. Олий даражадаги учрашув тўғрисидаги масала ҳам реал бўлиб турибди. Америка томони шуни истаган тақдирда ишларимиз дуруст юришиб кетиши мумкин, деб таъкидлади Э. А. Шеварднадзе.

Абдусамад ТИЛЛАБОЕВ

Андижон область Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусамад Тиллабоев узоқ давом этган касалликдан сўнг 23 сентябрь куни 76 ёшида вафот этди.

Истеъдодли раҳбар, республика колхоз ишлаб чиқаришининг таниқли ташкилотчиси оламдан ўтди.

А. Тиллабоев 1911 йилда Фарғона область Пахтаобод районининг «Избоскан» қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Ўқитувчилар тайёрлаш курсини тамомлагандан кейин 1931 йилдан 1942 йилгача мактаб ўқитувчиси, район комсомол комитетининг инструктори, Избоскан районидаги Охунбобоев номли колхоз раисининг муовуни, раиси бўлиб ишлади. 1942 йилда КПСС аъзолигига қабул қилинди.

А. Тиллабоев 1942—1947 йилларда район ер ишлари бўлимининг бошлиғи, район ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлади. 1947 йилдан то умрининг охиригача «Партия XX съезди» колхозининг раиси лавозимида бўлди.

А. Тиллабоев қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди, ўзининг колхоз ишлаб чиқаришининг тажрибали ташкилотчиси эканини кўрсатди. У ўзининг зўр ташкилотчилик қобилиятлари, ғоят билимдонлиги, принципиаллиги, камтаринлиги ва меҳрибонлиги билан ажралиб турар эди. Шу фазилатлари туфайли у колхозчиларнинг, уни билган ва у билан бирга ишлаган барча кишиларнинг самимий ҳурматига сазовор бўлди.

А. Тиллабоев катта жамоатчилик ишларини олиб борди. У район ва область партия комитетларининг аъзоси бўлди, еттита чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, еттинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб сайланди.

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун А. Тиллабоевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, у учта Ленин ордени, Октябрь Революцияси, иккита Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, медаллар билан мукофотланган эди.

Истеъдодли раҳбар, Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, сезгир ва меҳрибон ўртоқ Абдусамад Тиллабоевнинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, О. У. Салимов, И. Ҳ. Жўрабеков, М. М. Ориф-жонов, Д. Ҳасанов, М. Маматазизов, А. Зайлобиддинов, Г. Охунов, А. Юнусов.

ХИЗМАТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Қўқон шаҳри меҳнаткашларига кўрсатилаётган маиший хизмат турлари тобора кўпайиб бормоқда. Яқинда шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси коллективи яна икки турдаги хизматни шаҳарликларга таклиф этди. Бошқарманинг «Техсложбитприбор» участкасида якка тартибда карнизлар тайёрлаб бериш йўлга қўйилган бўлса, «Обувремонтбит» участкаси ташаббуси билан якка буюртмалар асосида болалар пойафзаллари тикиб бериш вазифаси бажарила бошланди. Бундай қулайликлардан меҳнаткашлар мамнун бўлмоқда.

З. РАҲИМОВА.

нати билан банд бўлган ишчиларнинг салмоғи камаймади эмас, ҳатто бир процентга ошиб кетди. Аввалгидек шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш барбод қилинмоқда, олий сифат категориясидаги маҳсулотлар улуши маҳсулот умумий ҳажмининг атиги 2,4 процентини ташкил этади, бундай маҳсулотни шаҳардаги 22 та корхонадан атиги иккитаси ишлаб чиқаряпти.

Хўжасизлик, кадрлар қўнимсизлиги, меҳнат интизомининг бузилиши билан боғлиқ бўлган нобудгарчиликлар ҳали ҳам кўп. Сўнгги икки йил ичидагина корхоналарда смена орасида ва бутун кун мобайнида бекор туриб қолишлар камаймаяпти.

Шаҳар партия комитети кўплаб навбатдаги, расмий-бюрократик тадбирларга берилиб кетиб, ғоят ўткир ва актуал социал ҳамда иқтисодий проблемалардан ўзини четга олмоқда. Бу ерда меҳнатга яроқли аҳолининг ҳаммасини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишнинг конкрет йўллари белгиланган эмас, меҳнатсиз даромадларга қарши кураш суст олиб борилмоқда.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатиш масалаларида уюшқоқлик, тегишли контрол ва шижоаткорликнинг йўқлиги айниқса яққол намоён бўлиб қолди. Шаҳар партия комитети партия ва ҳукуматнинг директива ҳужжатларига мувофиқ равишда қарор қабул қилди-ю, бу қарорни бажариш юзасидан амалий ишларда икки хил ёндашувга йўл қўйди: бировларга, одатда оддий ходимларга қаттиққўллик қилиб, бошқаларга — раҳбарларга, жумладан ўзларига юмшоқроқ йўл тутдилар. Спиртли ичимликлар сотишни кескин камайтириб, аппарат учун қандайдир «имтиёз» қолдирдилар. Иш шу даражага бориб етдики, ишга маст ҳолда келган ғоят масъулиятли ходимлардан бирига ижобий характеристика берилиб, юқори лавозимга тавсия этилди.

Шундан кейин мана бундай расмиятчилик — бюрократик ёндашув фактига ажабланмаса ҳам бўлади. Шу йилнинг июнь ойида шаҳар партия комитети бюросининг бир мажлисининг ўзида шаҳардаги иккита йирик корхонадаги жиддий камчиликлар ва кўп сонли ичкиликбозлик фактлари таъкидланди ва айни вақтда шу масала юзасидан илгари қабул қилинган қарор контролдан олиб ташланди.

Сўнгги вақтларда республика партия ташкилотида партия кадрларининг хизмат шароитида ҳам, оилавий турмуш шароитида ҳам шахсий камтарлиги, айтиш мумкинки, ўзларининг тўғри тута билишлари тўғрисидаги масала жуда ўткир қилиб қўйилмоқда. Бу соҳада ҳеч нарса шахсий намунанинг ўрнини боса олмайди.

Афсуски, шаҳар партия комитети ходимлари ва аввало унинг собиқ биринчи секретари В. В. Березовский бу хусусда ҳам икки хил йўл тутди. Шаҳар комитетида «Волга» автомашинасида ғайриқонуний равишда белгиланган лимитдан ортиқча фойдаланилган, машина ҳайдовчисига қурилиш ташкилотлари ҳисобидан маош тўланган. Шаҳар партия комитети биринчи секретарининг илтимосига мувофиқ, белгиланган тартибни четлаб ўтиб ва мавжуд нормаларни бузиб, масъул ходимларга квартиралар ажратилган. Аппаратда меҳнат ва ижро интизоми бўш бўлган, шаҳар партия комитетининг айрим ходимлари иш вақтида ўзларининг шахсий ишлари билан шуғулланишларига секретарлар панжа орасидан қараб келганлар.

Қатъий ва талабчан давримизда бундай аҳвол узоқ давом этиши мумкин эмасди, албатта. Ўтган йилнинг августида юқори партия органига шаҳар партия комитетининг секретари З. А. Ермолинанинг нотўғри хатти-ҳаракатлари тўғрисида имзосиз хат тушди. Кейинчалик ҳам ана шундай хатлар келиб турди.

Бу хатларни умуман уйдирма ва тухматдан иборат, деб бўлмайди. Уларни текшириш чоғида 1973 йилда З. А. Ермолина инструктор ва аппарат касаба союз бюросининг раиси бўлиб ишлаган вақтида квартира олишда баъзи қонун бузишларга йўл қўйганлиги аниқланди. У белгиланган тартибни бузиб, дугонаси учун санаторийга йўлланма олиб берган.

Аниқланган фактлар шаҳар партия комитети бюроси аъзоларини, секретарларини, аппаратни партия комитетидаги ва шаҳардаги ахволни қаттиқ ва талабчанлик билан таҳлил этишга, партия ахлоқи нормаларидан жуда кўп чекинишларни очиб ташлаб, ўзларига ва ўртоқларига нисбатан қаттиқ талаб қўйишга, аҳволни кескин равишда тез ўнглаб олиш учун, ҳомийлик ва ўзаро талабчанлик бўлмаслик муҳитини тўла тугатиш учун қаттиқ киришишга мажбур қилиши лозим эди. Шаҳар партия комитети собиқ секретари З. А. Ермолинанинг масъулиятини ҳам мана шу умумий ўзанда муҳокама қилиш лозим эди.

Бироқ бундай бўлмади. Шаҳар партия комитетининг ноаниқ, қовишмайдиган йўли, аппаратда, унинг партия ташкилотида принципиал ва айни пайтда ўртоқларча муносабатнинг йўқлиги шунга олиб келдики, қозонни ёпиғлигича қолдириб, кўпгина қонун-қоидаларнинг бузилиши ва кўнгилсиз ҳодисалар учун айбни бир кишига тўнкашга қарор қилдилар. Шу сабабли ҳам иш яширинча, олдиндан белгилаб қўйилиб, субъектив баҳо бериш ва партия этикасини бузиш, шошма-шошарлик билан муҳокама қилинди.

Мана унинг баъзи тафсилотлари. Текширувчи ўртоқлар З. А. Ермолина қандай одамлиги ва қандай ходимлигини ўрганишни ўзларига эп кўрмадилар, атрофдаги кишиларнинг у ҳақдаги фикри билан қизиқмадилар, бир раҳбарнинг фикрига асосланиб, ўз мулоҳазаларини тасдиқладилар. Улар ҳатто З. А. Ермолинанинг ўзи билан ҳам учрашмадилар, бу билан уни ўз ҳаракатларини қандайдир изоҳлаш имкониятидан маҳрум қилдилар. Бу ҳам етмагандек, шаҳар партия комитетининг секретари ва Марказий Комитет қабулига кириш учун сарфлаган икки кунни прогул ҳисоблаб, ҳақ тўланмади.

Бюро қарори шошма-шошарлик билан қабул қилинди. Ҳақиқатан ҳам йўл қўйилган камчиликларга фақат битта секретарнинг эмас, барча бюро аъзоларининг камчилиги — кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашдаги бузилишлар ҳам тиркаб қўйилди. КПСС Уставини бузган ҳолда пленумдан бир ҳафта аввал З. А. Ермолинанинг меҳнат дафтарчасига ана шундай зўрма-зўраки гаплар ёзиб қўйилди.

Шубҳа йўқ: бир вақтлар Ермолина камтарликни унутган эди. Жазо ҳам қилмишига яраша бўлди. Лекин на шаҳар партия комитетининг бюроси, на Тошкент область партия комитети ишни текшириш чоғида Ермолина билан боғлиқ фактлардан нарига ўтмади, шаҳардаги аҳволга ва шаҳар партия комитетидаги бузилишларга кенгроқ назар ташламади, яъни шошма-шошарлик ва субъективизм кўрсатишди, катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик проблемани кадрлар масаласини ҳал қилишдаги якка бир ҳодиса доирасигача торайтириб қўйишди. Шу йўл билан жуда кўп камчиликлардан кўз юмиб ўтишди.

Бу эса ўз навбатида Ермолинанинг ўзига нисбатан бирмунча нотўғри фикрга олиб келди. Аммо ҳозир гап унинг ҳақида бораётгани йўқ — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аралашганидан кейин унинг ишдан бўшатилиш сабаблари таърифига аниқлик киритилди, уни ишга жойлаштириш масаласи ҳал қилинди.

Ҳозир гап бошқа ҳақда бормоқда. У ёки бу камчиликлар тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш пайтида бирмунча кенгроқ анализ қилиб ёндашиш, конкрет факт замирида уни келтириб чиқарган шарт-шароитлар аниқланган ва умумий аҳволни тузатиш чоралари белгиланаётган пайтда қонунга хилоф ишларнинг сабабларини ойдинлаштириш зарурлиги ҳақида бормоқда.

Партия комитети кадрларга доир у ёки бу масалани ҳал қилганда ходим йўл қўйган камчилик ёки суиистеъмолларни шунчаки қайд этиш билан чекланмаслиги керак. Мазкур партия ташкилотидаги бутун вазиятни таҳлил этиш, носоғлом ҳодисаларнинг илдизлари ва сабабларини очиб ташлаш, бундан буён шундай ҳодисалар рўй бериш имкониятининг ўзини соқит қилиш чораларини белгилаш лозим.

Бунда партия комитети, унинг ходимлари аввало ўзларига нисбатан жуда юксак талабчанлик мезони билан ёндашишлари зарур. Секретардан тортиб инструкторгача — партия ходими доимо қўпчиликнинг назарида эканини, коммунистлар ва барча меҳнаткашлар партия органининг принципиаллиги, изчиллиги, самимийлиги ва ҳалоллиги ҳақида унинг феъл-атворига қараб фикр юритишларини ҳамиша ёдда тутиш керак. Башарти, сўз бошқа-ю, иш бошқа бўлиб чиқса — бу нарса маънавий-сиёсий жиҳатдан катта зарар етказади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Самарқанд район партия комитетининг Советларга раҳбарлик соҳасидаги ҳисоботи муҳокама қилинганида айни шундай аҳвол аниқланди. Район социал-иқтисодий тараққиёти проблемалари кенг таҳлил этилганида, жумладан меҳнаткашларни атеистик тарбиялашдаги, диний сарқитлар ва қолоқ маросимларни тугатишдаги жиддий камчиликлар ошкор бўлиб қолди. Гўё район партия комитетида динга қарши ишни кучайтириш юзасидан ўнлаб тадбирлар тузилгандек, атеистик мавзудаги лекциялар сони кўпайгандек туюлса ҳам, вазият мураккаблигича қолаверган.

Район партия комитетининг биринчи секретари М. Шерқулов совхоз директори бўлиб ишлаган пайтда «муқаддас жой» деб аталган қимматбаҳо диний иншоот қурилишига йўл қўйганлиги маълум бўлганидан кейин кўп нарса равшанлашди. Районда, қолаверса областда ҳам диний вазиятнинг кескинлашиши қолоқ қайфиятларга йўл қўйиб берилганлигининг, динга ҳаддан ташқари майл бериб қўйилганлигининг, айрим раҳбарлар дин пешволари билан тилёғламалик қилганликларининг оқибатида диний вазият ишкалашиб кетган эди.

Марказий Комитет бюроси бу фактга муносиб баҳо берди, Шерқулов партиявий йўл билан қаттиқ жазоланди ва эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди. Собиқ партия раҳбарининг ахлоқий иккиюзламачилиги билан боғлиқ бўлган бу ҳодиса камдан-кам учрайдиган бир нарса, албатта. Бироқ ундан жуда кенг ва зарур хулоса чиқариб олиш керак: ҳар бир коммунист, айниқса раҳбар диний сарқитларга қарши курашда актив позицияда туриши, у диний сарқитларни аввало ўз теварак атрофида, турмушида, оиласида таг-туги билан қўпориш учун масъул бўлиши зарур.

Партия раҳбарининг ўзига ишонич топширилган соҳадаги маънавий-сиёсий вазият учун масъулияти ҳозир турли жиҳатларда, бениҳоя қатъий мезон билан намоён бўлмоқда. Амударё район партия комитетининг собиқ биринчи секретари И. У. Қурбонов оғизда тартиб ўрнатиш ва интизомни мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлагани ҳолда, амалда республикада турли бузилишлар ва найрангларга қарши авж олдириб юборилган курашга аралашмаслик позициясида турди. Район коммунистлари, жамоатчилиги пахтачиликда ўғирлашларга имкон берадиган энг кичик тешиклар ва туйнукларни ёпиб қўйиш учун сафарбар этилмади. Натижада районда 1985 йилда, яъни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин пахта билан товарсиз операциялар қилиш ҳоллари такрорланганлиги аниқланди.

Расмий жиҳатдан қараганда И. У. Қурбоновнинг пахта соҳасидаги найрангларга ҳеч қандай бевосита ёки бавосита алоқаси йўқ, бу нарса терговда аниқланди. Аммо у содир бўлган ҳодиса учун, одамларнинг тақдирлари учун партия раҳбари сифатида маънавий, бинобарин, партиявий жавобгардир. Шу сабабли ўз лавозимида қола олмади.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг И. У. Қурбоновни эгаллаб турган лавозимидан қаттиқ партиявий жазо билан бўшатиш тўғрисидаги қарори хусусида шак-шубҳа йўқ. Бироқ мана шу конкрет фактдан партиявий ишга кўтариладиган кишиларнинг сиёсий, ишчанлик, маънавий-ахлоқий фазилатларинқ коммунистлар ва партиясизлар фикрини эътиборга олиб чуқурроқ ўрганиш зарурлиги тўғрисида олисни кўзловчи хулосалар чиқариб олинди. Илгари М. Горький номли совхознинг директори бўлиб ишлаган Х. Саъдуллаев райкомнинг биринчи секретари лавозимига тавсия этилганида шу совхозда очиқ партия йиғилиши ўтказилди, унда коммунистлар ва партиясиз меҳнатчилар раҳбарга ижобий характеристика бериш билангина чекланмасдан, бир қанча мулоҳаза ва таклифлар ҳам айтдилар. Бу мулоҳаза ва таклифларнинг энг муҳими шундан иборат бўлдики, қайта қуришни раҳбар ўзидан бошлаши керак ва ўзига нисбатан энг юксак талабчанлик мезони билан қараш лозим.

Бир қанча ҳолларда ўз нуқсонларини, у ёки бу соҳага раҳбарлик қилиш услуб ва методларидаги камчиликларни очиб ташлаш субъективизмга йўл қўймаслик, вужудга келган масалани ҳал этишга тўғри ёндашиш имконини беради. Мана, узоқ вақтдан бери «Советская Бухара» область газетасининг редакциясида носоғлом вазият ҳукм суриб келмоқда. Область партия комитети ўзининг матбуот органига қандай раҳбарлик қилаётганини тузукроқ таҳлил этмай, айрим шахсларнинг гапига ишонди, чўзилиб кетган можаронинг ҳақиқий сабабларини ва ташаббускорлари кимлигини суриштириб билмади. Бунинг устига кадрлар соҳасида ўйламай бир қанча қарорлар қабул қилиб, редакциядаги вазиятни баттар чигаллаштирди. Область партия комитети бу масала билан қайтадан шуғулланишига, хатоларни, шу жумладан ўз хатоларини ҳам тузатишига тўғри келди.

Партия комитетлари салбий ҳодисаларнинг оқибатларини тугатиш учун бошланган курашга бошчилик қилиб, партия, совет, хўжалик органларини ва жамоат ташкилотларини ўз обрўсини тўккан шахслардан тозалаш йўлини муросасизлик билан ўтказиб, айни вақтда жавобгарлар, анонимчиларнинг изига асло юрмасликлари, тартиб ва социал адолат учун муросасиз кураш вазиятидан шахсий ўч олиш, ўзининг амалпарастлик мақсадларига эришиш, шахсий хусуматларини қондириш, кўпинча эса бошқаларни айблаш ва фош қилиш ниқоби остида ўзининг қонунга хилоф ишларини яшириш учун фойдаланишга уринувчи кишиларнинг зўр бериб қилаётган, баъзан усталик билан таърифланган таъналаригa ён бермасликлари керак.

Термез район халқ контроли комитетининг собиқ раиси А. Қулиев энг юқори мурассасаларга бир неча бор мурожаат қилди. Хизмат мавқеини қўпол суиистеъмол қилганлиги учун лавозимидан бўшатилган ва партиявий йўл билан жазоланган бу шахс область партия ходимларини фош қилди, адолат бўлишини талаб қилди. Область ва Термез район партия комитетлари унинг ҳужумларини қайтариб ва у билан муносабатни кескинлаштирмаслик истагида Қулиевнинг бир гектардан ортиқ томорқа участкасини нормага мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисида Қулиевнинг ўзига нисбатан илгари қабул қилинган қарор қандай бажарилаётганини текширишни «унутдилар». Мана шуларнинг ҳаммаси ҳақида область партия комитетининг пленумида очиқ-равшан гапирилганидан кейин ҳамма иш жой-жойига тушди.

Қонунбузарларга ҳомийлик қилиш нақадар зарарли бўлса, сафсатабозлар билан тилёғламалик қилиш, уларнинг ҳеч қандай далил билан исботланмаган сигналларини кўп марталаб қайта текшираверишни ҳам зарарлидир.

Партия ҳар бир коммунистдан ўз бурчига нисбатан қандай муносабатда бўлаётганлиги учун, партия аъзосининг ҳалол ва пок қиёфаси учун талабчанликни кучайтираверади, унга ишлари ва феъл-атворига қараб баҳо беради. Бу — фақат ҳозирги бурилиш пайтининг йўл-йўриғигина эмас, бу — партия қурилишининг янги таҳрирдаги КПСС Программасида белгилаб берилган стратегик йўлидир. Бинобарин, барча партия комитетлари ва ташкилотлари бугун ҳам, эртага ҳам ва келажакда ҳам шу йўлга амал қилишлари, уни муттасил турмушга татбиқ қилишлари шартдир.

Айни вақтда, белгиланган режалар қандай йўллар ва воситалар билан амалга оширилишига партия бефарқ қарамайди. Михаил Сергеевич Горбачев КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида съездан кейинги иш практикасини таҳлил этиб, шундай деб таъкидлади:

«Ўртоқлик руҳи партиямизнинг бутун турмушига сингиб кетиши керак. Топширилган иш учун талабчанликни кучайтириш билан бирга партиявий принципиаллик билан инсон қадр-қиматини камситувчи танбеҳ бериш ўртасидаги меъёрни ҳамиша аниқ-равшан фарқ қилиш керак. Бу қоидадан чекиниш инсоннинг руҳи тушишига олиб боришини, коллективда ишончсизлик туғдиришини, одамларнинг ижтимоий манфаатдорлиги ва активлигини пасайтиришини яхши

ВЕНГРИЯ ГРАМПЛАСТИНКАЛАРИ ЎН КУНЛИГИ

Тошкент «Билим» уйида Бела Барток, Ференц Лист, Ференц Легар, Имре Кальманларнинг музика асарлари янгради. Бу ерда 23 сентябрь куни «Хунгаротон» фирмаси чиқарган Венгрия грампластинкалари ўн кунлиги очилди. Қардош республика классик ва замонавий композиторларининг асарлари ёзилган грампластинкалар кўп. Музика шинавандалари эстрада янгиликлари билан ҳам танишадилар. Булар орасида Кати Ковач, Янош Коош, Жужи Конц қўшиқлари, машҳур вокаль-инструментал ансамбллларнинг қўшиқлари ёзилган грампластинкалар бор.

— Маданий ҳамкорлигимизда грампластинкалар айирбошлаш алоҳида ўрин тутади, — деди ўн кунликнинг очилишида «Хунгаротон» фирмаси директорининг ўринбосари Петер Ракоци.— Бу халқларимиз маданий бойликларини ўзаро бойитишнинг таъсирли воситасига айланмоқда. Биз Ўзбекистон музика шинавандаларини Венгрия музика санъатининг энг яхши намуналари билан таништириш имкониятидан хурсандмиз. Километрлар билан ўлчасак, Ўзбекистон Венгриядан узоқда. Лекин халқларимиз музика санъати илдизларига эътибор берадиган бўлсак, бу масофа қисқа бўлиб чиқади. Мамлакатимизда ўзбек миллий оҳанглари яхши таниш, Венгрия музика магазинларида ўзбек пластинкалари пайдо бўлиши билан улар тезда сотилиб кетади.

● **«Мелодия» Бутуниттифоқ грампластинкалар фирмаси Ўзбекистон уйининг ходимаси Гўзал Аҳмедова, «Хунгаротон» фирмаси директорининг ўринбосари Петер Ракоци ва Тошкент грампластинкалар заводининг директори Юрий Рогачев кўргазма билан танишмоқдалар.**

Р. ШАГАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЭКРАНДА ВА ЭФИРДА

Республикамизнинг аҳолиси кўриши ва эшитиши мумкин бўлган Марказий ва Ўзбекистон телевиденнесининг, Бутуниттифоқ ва республика радиосининг программалари бир суткада қарийб 100 соатни ташкил этади. Шундай бўлгач, қайси эшиттириш ва кўрсатишларни танлаб олиш, уларнинг эфирга чиқиш вақтини қандай қилиб ўтказиб юбормаслик масаласи ҳаммани қизиқтиради.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз», «Говорит и показывает Ташкент» ҳафталик газетаси мана шу муаммони ҳал этишда сизга яхши кўмакчи ва маслаҳатчи бўлиб қолади. Биринчидан, унинг саҳифаларида Марказий ва Ўзбекистон телевидениесининг, республика радиосининг ҳамма программалари, шунингдек Тожикистон ва Қирғизистон телевидение студияларининг программалари тўла ҳажмда ўзбек ва рус тилларида берилади. Иккинчидан эса, ҳафталик газетада телевидение ва радиоспектакллари ва фильмларига, эшиттириш ва кўрсатишларига улар эфирга қайси тилда чиқса шу тилда муфассал аннотациялар бериб борилади. Бундан ташқари, унинг саҳифаларида телетомошабинлар ва радиотингловчиларнинг муҳим хатлари, радио ҳамда телевидениенинг танқидий мулоҳазаларига билдирилган фикрлар ва жавоблар, реклама материаллари, янги қўшиқларнинг текстлари ва нималари ҳам бериб борилади. Радио ва телевидениенинг ўқув-кўрсатиш ва эшиттиришлари тўғрисида ҳам батафсил ёзилади.

Ҳафталик газета 1987 йил 1 январдан ўзбек ва рус тилларида бирлашган саккиз саҳифали бўлиб чиқа бошлайди. Телевизион кўрсатишлар ва радиоэшиттиришлар ҳажми анча кўпайганлиги, радиотингловчилар ва телетомошабинларнинг кўпдан кўп илтимосларига мувофиқ шундай қилинди.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» — «Говорит и показывает Ташкент» ҳафталик газетасига ҳамма ерда чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади. Газета индекси — 75490.

Битта сонининг нархи — 8 тийин. Бир йиллик обуна баҳоси 4 сўм 16 тийин.

КУЛГИ КЕЧАСИ

Ўзбекистон радиосининг «Ёшлик» редакцияси Москва районидаги пахта тозалаш заводи маданият саройида «Оқ олтин карвон-карвон» мавзуида кулги кечаси ўтказди. Кечага илғор пахтакорлар, механизаторлар, чорвадорлар, ишлаб чиқариш пешқадамлари ва бошқалар таклиф этилди.

Кечада СССР халқ артисти Наби Раҳимов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Суръат Пўлатов, Ҳусан Шарипов, Эргаш Каримовлар интермедия ва миниатюралар ижро этиб, томошабинларга қувонч баҳш этишди.

А. ҚУРОНБОЕВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

КАСПАРОВ — КАРПОВ БАҲСИДА

ОХИРГИ ТАНАФФУС

«Совет Ўзбекистони» шахмат шарҳловчиси М. МУҲИДДИНОВ Ленинграддан хабар қилади

Жаҳон биринчилиги учун ўтаётган реванш-матчининг учдан икки қисми — 16-учрашувдан сўнг нақ уч очко ўзиб кетган бокулик гроссмейстернинг албатта зафар қучишига кўпчилик, балки унинг ўзи ҳам асло гумонсирамасди. Бироқ кутилмаган иккки мағлубият жаҳон чемпионининг якуний ғалабасини бироз шубҳа остига олиб қўйди. Бундай фавқулодда қийин шароитга тушиб қолган матч иштирокчиси одатда танаффус олиб чарчоғини ёзишга ҳаракат қилади. Навбатдаги 19-партия олдидан Г. Каспаров ўзига тегишли учинчи, яъни охирги тайм-аутни олишга қарор қилди.

Г. Каспаров билан А. Карповнинг ёрдамчилари ҳам ўзаро кураш олиб борадилар. Аммо пинҳона. Чунки реванш-матчининг ҳар бир партиясидаги дебют жанги мусобақа бош ҳаками соатни юргизишидан анча олдин бошланади. Секундантлар улкан тадқиқот ишларини бажарадилар. Муайян шахмат ахборотлари пухта таҳлилдан ўтказилади.

Кечиктирилган ўйинни давом эттирмай, телефон орқали таслим бўлиш, дуранг таклиф этиш ёки уни қабул қилиш секундантнинг асл вазифасига киради. Лекин секундантларнинг энг муҳим бурчи кечиктирилган партияларни ҳар томонлама, шу билан бирга жуда тез таҳлилдан ўтказиш бўлса, ажаб эмас. Қолаверса, улар ўрни келган пайтда иштирокчиларни тайм-аут олишга ундаб, кўндиришлари ҳам лозим.

АХБОРОТ

1986 йил 20 сентябрь кечаси қурилланган икки жиноятчи Н. Р. Манцев, С. В. Ягмуржи Уфа шаҳрида такси ушлаб, унинг ҳайдовчисини аэропортга боришга мажбур қилдилар. Улар таъқибдан қочиб қутилишга уриниб, милиция катта сержанти З. Н. Ахтямов ва кичик сержант А. Г. Галеевга ўқ отиб ўлдирдилар. Аэропортда жиноятчилар ТУ-134 самолётини босиб олишга муваффақ бўлдилар. Ичида етмиш олти пассажири бўлган бу самолёт Киевдан Уфа орқали Нижневартовскка боратган эди. Самолётни босиб олиш чоғида жиноятчилар ўт очиб, икки пассажирни ўлдирдилар. Кейинчалик аниқланишича, жиноятчилар гиёвандлар экан.

Давлат хавфсизлиги ва Ички ишлар министрлиги органларининг кўрган қатъий чоралари давомида жиноятчилар йўқ қилинди. Операция қатнашчилари зўр шахсий мардлик ва юксак профессионал тайёргарликларини намоён этдилар. Самолётни халос этиш чоғида экипаж ва пассажирлар азият чекишмади.

(ТАСС).

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ В. П. Куксенко бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри вазифасидан озод қилди.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР

АЭРОФЛОТ ИМТИЁЗЛАРИ

САМОЛЁТ БИЛЕТЛАРИ 50 ПРОЦЕНТ АРЗОНЛАШТИРИЛГАН НАРХЛАРДА СОТИЛАДИ

1986 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ 1987 ЙИЛ 31 МАЙГАЧА ҚУЙИДАГИЛАРГА

— Гражданлар ва Улуғ Ватан урушларининг инвалидларига, Улуғ Ватан уруши инвалидларига тенглашувчи кишиларга;

— юқорида қайд этилган биринчи группа инвалидларини кузатиб борувчилар (1 кишидан ошмаслиги керак)га;

— Путёвкалар бўйича санаторийга бораётган ва қайтаётган 15—17 ёшдаги ўсмирларга;

— Граждан авиацияси олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг аспирантлари, студентлари, тингловчилари ва курсантларига;

— Граждан авиацияси олий ўқув юртлари ҳузуридаги тайёрлов бўлимлари ва факультетларининг тингловчиларига (таълим формасидан қатъи назар).

1986 ЙИЛ 15 НОЯБРДАН 1987 ЙИЛ 15 АПРЕЛГАЧА ҚУЙИДАГИЛАРГА

— ишламайдиган меҳнат инвалидларига, ҳарбий хизматни ўташ даврида умумий касалланиш туфайли инвалид бўлиб қолган кишиларга;

— давлат томонидан пенсия ёки нафақа олувчи болалигидан инвалид бўлган кишиларга;

— 16 ёшгача бўлган инвалид болаларга;

— тўла давлат таъминотидаги кексалар ва инвалидларнинг уй-интернатларида яшаётган кишиларга;

— ана шу биринчи группа инвалидларини кузатиб борувчиларга (бир кишидан ортиқ бўлмаслиги керак).

1986 ЙИЛ 15 НОЯБРДАН 1987 ЙИЛ 15 АПРЕЛГАЧА ҚУЙИДАГИЛАРГА

САМОЛЁТ БИЛЕТЛАРИ 30 ПРОЦЕНТ АРЗОНЛАШТИРИЛГАН НАРХЛАРДА СОТИЛАДИ:

— олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқиётган кишиларга;

— кундузги таълим ҳунар-техника билим юртлари ва мактабларида ўқиётганларга;

— олий ўқув юртларининг кундузги таълим тайёрлов бўлимларида ўқиётган кишиларга;

— 12 ёшгача бўлган мактаб ўқувчиларига;

— корхоналар, ташкилотлар ва ўқув юртларининг олдиндан берилган буюртмалари бўйича экскурсияга бораётган 15 кишидан иборат ишчилар, хизматчилар, ўқувчиларнинг группаларига (йўл қатнови тиғиз бўлмаган йўналишларда);

— ВЦСПСнинг туризм ва экскурсиялар бўйича Марказий Совети ва «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси путёвкалари билан Бутуниттифоқ сафарига якка тартибда жўнаб кетаётган туристларга.

ИМТИЁЗЛИ БИЛЕТЛАР СОТИБ ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ:

пассажирлар имтиёзли тариф бўйича самолёт билетлари сотиб олишлари учун самолёт билетларини арзон нархларга сотиб олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни кўрсатишлари шарт;

ишламайдиган меҳнат инвалидлари ва ҳарбий хизмат бурчини ўташ даврида умумий касалланиш оқибатида инвалид бўлиб қолган кишилар пенсия гувоҳномасини кўрсатадилар;

болалигидан инвалид ва кексаларнинг уй-интернатларида яшовчи кишилар пенсия гувоҳномаси ёки район (шаҳар) социал таъминотининг справкасини кўрсатишлари лозим.

Ана шу ҳужжатларда СССР Темир йўлларида қатнаш учун арзонлаштирилган нархларда билетлар сотиб олиш ҳуқуқини берувчи муҳр босилган бўлиши лозим.

Улуғ Ватан урушининг инвалидлари —Улуғ Ватан уруши инвалиди гувоҳномасини кўрсатадилар;

— Улуғ Ватан уруши инвалидларига тенглашувчилар — имтиёз ҳуқуқини берувчи инвалидлик гувоҳномасини кўрсатадилар.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари учун ўз паспортларини кўрсатиш шарт эмас.

—ВЦСПСнинг туризм ва экскурсиялар бўйича Марказий Совети ва «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси туристлари, санаторийларга йўл олаётган 15—17 ёшли ўсмирлар, ҳаво транспортидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ўз талон ва путёвкаларини кўрсатадилар;

— студентлар — студентлик билетларини;

— ўқувчилар — ўқувчилик билетларини ёки ўқувчилик гувоҳномасини кўрсатадилар.

Билетлар ва гувоҳномалар (таълимнинг кундузги формаси кўрсатилган ҳолда) ўтиб бораётган ўқув йили учун муддати узайтирилган бўлиши лозим. Граждан авиацияси олий ва ўрта ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимлари ўқувчиларининг ёнида отпуска олганлиги ҳақида иш жойидан справка бўлиши лозим.

Булардан ташқари ҳар бир пассажир имтиёзли билет сотиб олаётган пайтида ўз паспортини кўрсатиши шарт (16 ёшгача бўлган болалар — туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини), ҳарбий хизматчилар шахсни кўрсатувчи, гувоҳномасини кўрсатадилар.

16 ёшгача бўлган инвалид болаларга имтиёзли билетлар район (шаҳар) социал таъминот бўлимининг инвалид боланинг ота-онасига нафақа тўланаётганлиги ҳақидаги справка бўлган тақдирдагина сотилади.

Имтиёзли билетлар газ турбинали самолётларга, ЯК-40, Л-410 самолётларидан ташқари, йўлда бошқа транспортга ва пассажир самолётларининг бошқа барча турларига кўчиб ўтмаслик шарти билан сотилади.

Санаторийга путёвкалар билан бораётган 15—17 ёшдаги ўсмирлар, ишчилар, хизматчилар, ўқувчиларнинг экскурсион группаларига фақат газ турбинали самолётларгагина имтиёзли билетлар сотилади.

Гражданлар ва Улуғ Ватан урушларининг инвалидлари, уларга тенглашувчи кишилар ва ана шу биринчи группа инвалидларини кузатиб бораётган шахсларга барча типдаги самолётларга имтиёзли билетлар сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

Учиш пайтида биринчи класс салонида ҳеч кимга, ҳеч қандай имтиёз берилмайди.

Самолёт билетлари билет сотиладиган ва самолёт учадиган кунлар бирга қўшиб ҳисобланган ҳолда марказий линиялар бўйича учишдан 15 кун олдин, маҳаллий линияларга 10 кун олдин сотилади.

СПРАВКАЛАР БЮРОСИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Самолётлар ҳаракати бўйича — 006;
Билетлар ҳарид қилиш бўйича — 066.

ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИНИНГ ҲАВО АЛОҚАЛАРИ МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/IX да **Риголетто**, 26/IX да **Севги тумори.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IX да **Асрга татигулик кун**, 26/IX да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/IX да **Мангулик**, 26/IX да **Лайли ва Мажнун.**

Қишга қандай тайёрланяпсиз?

ВАЪДА БИЛАН УЙ ИСИЙДИМИ?

«Совет Ўзбекистони», «Тошкент оқшоми», — «Вечерний Ташкент» газеталари, Ўзбекистон телевидениеси ва Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг қўшма рейди.

Шаҳар хўжалигини қишга тайёрлаш мобайнида уйларни фойдаланишга топшириш графигига ўзгартишлар киритиш ва чўзиш Тошкент қурувчилари, коммунал хўжалик бўлинмалари ходимларига одат бўлиб қолди.

Шубҳасиз, ҳозирги кунда қўплаб уй-жойлар қуряпмиз. Уларни ремонт қилиш ҳам анча дуруст бўлиб қолди. Лекин қайта қуриш ҳамон қурувчилар иш услубида, ишга муносабатда сезилмаяпти. Айниқса, ишни бошлаш, ташкил этиш пайтида шерикларнинг келишолмасликлари ва турли хил узилишлар пировардида штурмчиликка олиб келмоқда. Мўлжалдаги фойдаланишга топшириш муддатларини барбод қилиб, шошма-шошарликка ва ишнинг сифатсиз бажарилишига сабаб бўляпти.

Рейд бригадамиз аъзолари «Шимоли-Ғарбий» ТЦ-10 қозонхона... қурилишида бўлишганида шунга ишонч ҳосил қилишди. Қозонхона ишга туширилса, Олий ўқув юртлари шаҳарчаси, Медиклар шаҳарчаси, Қорақамиш массивини иссиқлик билан узлуксиз таъминлаш имкони туғилади. Натижада ТЦ-4 қозонхонасининг бутун қувватини Юнусобод массивига йўналтириш мумкин бўлади. Бу эса ана шу ерда яшовчи аҳолини иссиқлик билан таъминлашда қанчалик муҳимлиги тушунарли. Лекин Шимолий-Ғарбий қозонхонани фойдаланишга топшириш муддати тобора чўзиляпти. Бу сафар қозонхонани шу йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Ҳамма чалкашликлар қозонхонанинг мазут хўжалиги объектларини қуришга бош пудратчини танлашдан бошланди. Ниҳоят бу объектни республика Қурилиш министрлигининг 6-трести амалга оширадиган бўлди. Қозонхона қурилиши олиб бориладиган ер (Назарбек посёлкасига яқин жойда) узоқ йиллар давомида ахлатхона бўлган. Бу ерда қурувчилар қозонхона пойдеворини қўйишдан аввал 113 кубометр тупроқни ўйиб олишди ва пойдеворга 109 минг кубометр яроқли тупроқ тўкишга мажбур бўлишди. Ана шу ишларни бажаришга уч ой кетиб қолди. Бой берилган уч ойнинг қадри бугун шундай билиняптики...

Ҳозирги кунда қурилишда аҳвол қандай? Қозонхонанинг асосий биносини монтаж қилиш ишлари тугалланмоқда. Мазут хўжалиги объектида эса «ҳа бўл-ҳа бўл» авж олмоқда.

— Ҳозир кўрпа-ёстиқларни ташиб бўлдик, — деб ҳикоя қила боплади бош пудратчи 6-трестнинг 127-кўчма механизациялашган колоннаси прораби Александр Сотников, — ишни уч сменада ташкил этамиз, вахта методида ишлаймиз. Қурувчиларимиз ўз сўзларининг устидан чиқиш, яъни объектни декабрь ойида фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Биз прораб ва унинг қўл остидагиларнинг ахди жиддийлигига шубҳа қилмаймиз. Лекин кўчма механизациялашган колонна ва уларнинг шериклари фақат объект қурилишини поёнига етказишлари мумкин. Бироқ бу мазут хўжалигини ишга туширш учун етарли эмас, ҳали тозалаш иншоотлари ҳам бутунлай қўлдан чиқди деб бўлмайди.

Кўплар мазут хўжалигини резервдаги иссиқлик деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун бу хўжалик қурилишига иккинчи даражали иш тарзида муносабатда бўлинмоқда. Улар қозонхонага газ ишлатиш рентабел эмаслигини тушунишмайдиганга ўхшайди. Қозонхонада мазут асосий ёқилғи бўлиши даркор. Ҳолбуки барча объектлар қурилиб бўлинган тақдирда ҳам, бу ерга мазут олиб келишнинг иложи йўқ. Назарбек станциясидан қозонхонагача бўлган масофа 5 километрдан ортиқроқ. Ана шу ерда «Средазтрансстрой» ишчилари мазут ташиб келиш учун темир йўл қуришлари керак. Ҳозирча бу ерда сукунат ҳукм сурмоқда: на одамлар, на техника, на рельсу-шпал бор. Фақатгина қурилажак йўлга шағал ётқизилган, холос. Баъзи ерларда эса ҳамон экин ўсиб ётибди. «Средазтрансстрой» трести раҳбарларининг бу ишга панжа орасидан қараётганликлари жиддий ташвиш туғдирмоқда. Балки улар бундай майда-чуйда объектларга куч ва ресурсларни сарф қилишни ўзларига эп кўришмаётгандир. Лекин қозонхонани ишга туширш шаҳримизни иссиқлик билан таъминлашда биринчи даражали муҳим ишдир.

Тошкентни иссиқлик билан таъминлашга тўртта катта буюртмачи — «Таштеплоцентраль» ишлаб чиқариш бирлашмаси (қозонхоналар), «Таштеплосеть» (магистрал тармоқлар), «Таштеплокоммунэнерго» (ички квартал тармоқлар) ва Тошкент шаҳар уй-жой бошқармасининг бўлинмалари, район уй-жой ишлаб чиқариш-эксплуатация трести (ЖПЭТ) ва уй-жойдан фойдаланиш бошқармалари (ЖЭУ) масъулдирлар. Ўйларимизнинг иссиқ бўлиши уларнинг бир маромда ҳамкорликда ҳаракат қилишларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Кўпинча шаҳар хўжалигини қишга тайёрлашда меҳнат коллективларининг уринишлари уларнинг бош-бошдоқликлари сабабли керакли натижани бермайди. Рейд аъзолари шаҳарнинг қайноқ нуқталаридаги учта объектда бўлишди.

...Пойтахтимиз марказидаги Гоголь ва К. Маркс кўчалари кесишган жойда Главташкентстройнинг «Ташинжстрой» трестининг 8-қурилиш бошқармасига қарашли В. Аҳмаджонов бригадаси «Таштеплосеть» буюртмаси асосида иссиқлик билан таъминловчи магистрал қувурларни алмаштирмоқда. Чуқур траншеяда пайвандловчилар, бригаданинг бошқа аъзолари тер тўкиб ишлашмоқда. Эски занг босган қувурлар алмаштирилмоқда. Траншея яқинида янги қувурлар тайёр турибди.

— Графикка улгурасизми? — сўраймиз бригадир ўринбосари Владимир Расловдан.

— Ҳозир ишимизда узилиш бор. Бошлиқ келиб ҳар куни «ҳа бўл-ҳа бўл» дейди. Биз ҳам ҳаракат қиляпмиз.

Ҳозир шундай, амалда эса дастлабки график бўйича қувурлар аллақачон алмаштириб бўлиниши керак эди.

Умуман 8-қурилиш бошқармаси графикка мувофиқ тўртта объектда иш олиб бориши ва 769 метр қувур ётқизиши лозим. Амалда эса фақат биргина объектда иш олиб борилмоқда. Шунга қарамасдан «Таштеплосеть» бирлашмаси бўйича қувур ётқизиш соҳасидаги кўрсаткичлар ҳатто ошириб бажарилмоқда!?

Куйбишев районидаги 1-Черданцев массивидаги 75- ва 13-уйлар оралиғида ўзига хос жарлик пайдо бўлган. Унинг тубида учта эски қувур ва битта янги қувур бор. Унинг ёнидаги торгина йўлкачадан одамлар бир амаллаб ўтишмоқда. Лекин асосий гап бу эмас. Гап шундаки, бу ердаги уйларга ички квартал тармоқлари қайта ётқизилаётганлиги сабабли иссиқ сув берилмаётир. Ана шу воқеани изоҳлашни «Таштеплокоммунэнерго»нинг 3-энергорайони бошлиғи А. П. Гарнийдан илтимос қилдик:

— Ҳамма ишни бир ҳафтада тамомлаб қўйишимиз мумкин эди, — дейди Анатолий Петрович, — лекин мана бир ойдан бери оворамиз. Бунга асосан идораларнинг ноаҳиллиги сабабчи.

Чиндан ҳам бирлашма буюртмачи сифатида иш олиб боради. Кавлаш ишларини «Гордорстройремонт» трести бўлинмалари, қувурларни монтаж қилишни эса Минмонтажспецстр о й н и н г Назарбек кўчма механизациялашган колоннаси амалга оширмоқда. Кейнинги иккала пудратчи ташкилот раҳбарлари объектни маълум ишчи кучи ва техника билан таъминлашга ваъда беришган. Лекин иш ҳамон олға босмаётир. Ҳатто ягона қувурни монтаж қилиш ҳам «Таштеплокоммунэнерго»нинг ишчилари кучи билан бажарилди.

Албатта, «Главташкентстрой» ва «Минмонтажспецстрой»га ўхшаган катта буюртмачилар учун шаҳар хўжалигининг майда-чуйда объектларида ишлаб планни тўлдириб бўлмайди. Демак, ана шу муҳим ишга муносабатни ўзгартириш ёки етарли кучга эга бўлган моддий-техника базасини яратиб, «Таштеплокоммунэ р г о», Тошкент шаҳар уй-жой бошқармасига пудрат ишларини топшириш лозим. Бўлмаса, ишда юқори суръатга эришиш қийин.

Октябрь район Форобий кўчасидаги 385-уй бундан 25 йил муқаддам фойдаланишга топширилган. 36 квартирага эга бўлган тўрт қаватли ана шу уй Онкология ва радиология институтига яқин жойга жойлашган. Ҳамма машмаша бино Октябрь уй-жой ишлаб чиқариш эксплуатация т р е с т и нинг 49-уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси қарамоғига ўтказилгандан сўнг бошланди.

Бино ертўласидаги иссиқлик узели — иссиқлик тарқатувчи бойлер эскириб ишдан чиққан. Ана шу кичкинагина детални на ремонт-қурилиш бошқармаси ремонт қилади, на уй-жой бошқармаси бунинг уддасидан чиқади. Бу ердаги аҳволни ўзгартириш учун яна бир имконият бор. Ана шу уйга ёнма-ён янги уй-жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди ҳамда иссиқлик билан таъминловчи магистрал тармоққа уланди. Бу тармоқ билан 385-уй ўртасидаги масофа бор-йўғи уч метр холос. Фақатгина бу уйни иссиқлик тармоғига улаш учун Бош архитектура-планлаштириш бошқармаси, «Таштеплокоммунэнерго» ва бошқа район ташкилотларининг рухсати керак. Лекин бу нарса ўз вақтида қилинмаган. Шу йилнинг май ойидан буён бу уйда яшовчиларга иссиқ сув берилмаётир. Улар район, шаҳар, республика, марказий партия, совет ташкилотларига асосли шикоятлар ёзишди, лекин шу кунгача бу ерда аҳвол ўзгаргани йўқ. Бу уй қачонгача Октябрь район ижроия комитетидаги «ўтай» бино бўлиб қолади?

Қиш қишлигини қилиши мумкин. Шаҳар хўжалигини қишга яхши тайёрлаш учун қозонхона қурувчилари ва уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси ремонтчилари ишини жонлантириш муҳим аҳамиятга эга. Одамлар эҳтиёжига бефарқ муносабатда бўлиш мумкин эмас. Чунки одамларнинг кайфияти, меҳнат активлиги уларнинг уй-жой шароитига ҳам боғлиқ. Уй-жой-коммунал хўжалик ходимлари буни эсдан чиқармасликлари лозим.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА,
«Совет Ўзбекистони» газетасининг махсус муҳбири.

В. ЭНКЕР,
«Вечерний Ташкент» газетасининг муҳбири,
Л. КАРЦЕВА,
Ўзбекистон телевиденнесининг катта редактори,
Л. КИМ,
Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг штатсиз бўлимн мудири,
Рейд материалларини Ўзбекистон телевиденнесининг II программаси орқали 30 сентябрь куни соат 21.00 да кўришингиз мумкин.

Тингланг, томоша қилинг — 25 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ТВ

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.45 — Шахмат. Жаҳон чемпионати. 10.00 — Грузин халқ рақслари. 10.35 — «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 11.35 —Концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — «Ерда, самода ва денгизда». 16.25 — Концерт. 16.50 — Виргалиқда ўйлайлик». 17.45 — Волейбол. Жаҳон чемпионати. 18.30 — «Ўзаро ҳамжиҳатлик». 19.15— «Дунё воқеалари». 19.30 — «Агросаноат: бугун ва эртага». 20.00 — Футбол. Европа чемпионати. Исландия — СССР. 21.30 — «Время». 22.05 — Ҳужжатли фильм. 00.10 — Шахмат. Жаҳон чемпионати.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Ўқув кўрсатуви. 10.05 — Испан тили. 11.05 — Тарих. 11.35 — Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 12.05 — «Ўзаро ҳамжиҳатлик». 13.10 —«Ҳушёрлик — ҳаёт нормаси». 14.10 — «Огиш бурчаги». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ритмик гимнастика. 19.15 — Концерт. 20.30 —«Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.45 — «Поэзия». 21.30 — «Время». 22.05 — Спорт программаси.

ТОШКЕНТ-I. 7.25 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 — «Ўринбосарлар улғаймоқда». 8.20 — «Тонгги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Ҳужжатли фильм. 16.35 — География. 17.05 — Фильм-концерт. 17.30 — «Оналар мактаби». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — «Пионерлар мамлакатида». 19.00 — «Совет Ўзбекистони санъати» журнали — меҳмонимиз». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Телефильм. 20.00 — Футбол. «Пахтакор»— «Ростсельмаш». 20.50 — «Ахборот». 21.10 — Илмий-оммабоп фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ахборот» танқид қилади...» 22.25 — «Дўстларимиз даврасида».

ТОШКЕНТ-II. 19.30 — «Гўзаллик оламига саёҳат». 20.00 — «Ҳушёрлик — ҳаёт мезони». 20.35 — Реклама. 20.45 —Телефильм. 21.00 — «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши».

Р

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Эстрада қўшиқлари. 9.30— Рубоб тароналари. 9.40 —«Карвон келади». Радиокомпозиция. 12.10 — Шахмат. Жаҳон чемпионати. 12.15 — «Ишчинома». 13.00 — «Малши». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 —«Тенгдошларинг ҳаётидан». 16.00 — «Беш йилликнинг меҳнат суръатлари». 16.30 — Чолғу куйлари. 18.15 — «Совет кишиси чет элда». 18.30 — Болалар учун қўшиқлар. 18.40 — «Аланга». 19.25 — «Юность Узбекистана». 20.15 — Футбол. «Пахтакор»— «Ростсельмаш». 20.50 — Халқаро кундалик. 21.00 — «Қармоқ». 21.20 — Пахта далалари илғорлари учун концерт. 22.30 — Концерт. 23.30 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.